

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Наманган Давлат университети

Педагогика – психология кафедраси

ЮРИДИК ПСИХОЛОГИЯ

Муаллиф: психология фанлари номзоди, доцент
М.А.Махсудова

НАМАНГАН - 2007 йил

А Н Н О Т А Ц И Я

Юридик психология фани бўйича тайёрланган мазкур муаммоли маърузалар матни бакалавр, магистрлар, шунингдек, ҳуқуқ тартибот органлари ходимлари: судья, терговчи, прокурор кабилар учун мўлжалланган бўлиб, унда ҳар бир маърузалар учун асосий таянч тушунчалар, мавзуни мустаҳкамлаш учун назорат саволлари, адабиётлар рўйхати берилган.

Мазкур маърузалар матни ҳуқуқ тартибот органларида фаолият кўрсатадиган психолог-экспертлар, ҳуқуқ йўналишида таълим оладиган бакалавр, магистрлар учун қўлланма бўлиб хизмат қилади.

1-МАВЗУ: ЮРИДИК ПСИХОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ ВА ПРЕДМЕТИ

Режа:

1. Юридик психологиянинг предмети.
2. Юридик психологиянинг фан сифатида шаклланиши.
3. Юридик психологиянинг тармоқлари.
4. Юридик психологиянинг методлари.
5. Юридик психологиянинг фанлар тизимида тутган ўрни.

Таянч тушунчалар:

Психология	– руҳиётни, руҳий жараён, ҳолат, хусусият, фаолиятни ўрганувчи фан
Юридик психология	– ҳуқуқшунослик соҳасини тадқиқ қилувчи фан
Адвокат психологияси	– адвокатларнинг руҳий жараёнларини ўрганувчи соҳа
Терговчи психологияси	– терговчиларнинг психологик хусусиятларини ўрганувчи соҳа

1. Юридик психологиянинг предмети.

? Психология қандай фан?

Истиқлол туфайли ўз мустақил тараққиёт йўлидан бораётган Республикамиз ёшларини янгича ижтимоий муҳитга тайёрлаш, давр руҳида тарбиялаш - шу куннинг долзарб ва устувор вазифаларидан биридир. Ҳозирги кунда Республикамизда амалга оширилаётган ислохотларнинг тақдири ёшларнинг маънавий қиёфасига, шахсий баркамоллигига боғлиқ. Бу

вазифаларни амалга ошириш инсоний ўзаро муносабатларда демократик тамойилларни онгга тўла сингдиришни тақозо этади. Инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар Шарқда ўзига хос ва ҳар бир миллат психологиясига мос ҳолда шакллантиришдир. Ушбу маърузалар матни жамиятнинг янгиланиши даврида инсон маънавияти ва руҳиятида рўй бераётган ўзгаришларнинг психологик табиатини англашга ёрдам беради.

Психологиянинг 300 га яқин соҳалари мавжуд. Ҳозиргача 20дан ортиқ соҳалари тараққий этиб келмоқда. Жумладан, умумий, ёш, педагогик, тиббиёт, савдо, спорт, меҳнат, ижтимоий (социал), оила, методика, махсус, менежмент, психоллингвистика, парапсихология, мулоқот, экспериментал, психодиагностика, тараққиёт кабилар.

Ёш авлодни янгича Давлат Таълим Стандартлари асосида жаҳон талабларига жавоб берувчи мутахассислар қилиб тарбиялашдан иборат. Мазкур курсни ўрганиш давомида бўлғуси мутахассислар юридик фаннинг мазмуни, таркиби бўйича тасаввурга эга бўлишлари, бўлғуси мутахассисларни тергов фаолиятининг психологик жиҳатлари, шахсни уюшган жиноятчилик ва жиноий гуруҳларни замонавий усуллар орқали таҳлил қила олиш билимлари билан қуроллантириш кўзда тутилган. Курснинг асосий мақсади ҳуқуқ йўналишидаги вазифаларни ҳал этишда бўлғуси мутахассисларни юридик – психологик тайёргарлигини яхшилашдан иборат.

Юридик психологияси фанини эгаллаш учун қуйидагиларга эътиборни қаратиш муҳимдир:

- бўлғуси ҳуқуқшуноос мутахассисларни профессионал психологик билимлар билан қуроллантириш;
- касбий вазифаларни ҳал этишда олинган назарий билимлардан моҳирона фойдаланиш ва уларни ҳаётга, амалиётга тадбиқ этиш;
- ҳуқуқ мутахассислигига хос замонавий касбий зарур бўлган фазилатларни ҳар томонлама шакллантириш;

- ҳуқуқ йўналишида таълим олаётган бўлғуси мутахассисларга керакли касбий қобилиятларни ҳар томонлама ривожлантириш;
- касбий сезгирлик, хотира, тафаккур, фуқаролар билан мулоқотда бўлиш ва психологик алоқа ўрнатиш маҳоратига эга бўлишдан иборат.

Фаннинг асосий мақсади жиноятчиликнинг олдини олиш, уни тугатиш, фуқароларга ҳуқуқий билимлар бериш асосида фанни ривожлантиришдир. Агар ҳар бир фуқаро ўз ҳақ - ҳуқуқини билса, дунёқараши кенг бўлса, тарбияланган бўлсагина жиноятчилик камаяди ҳамда унинг олди олинади.

Юридик психология ўз олдига бир неча вазифаларни белгилаб олган. Булар қуйидагилардир:

- жиноятчиликнинг олдини олиш;
- жиноятчиликни батамом тугатиш;
- юридик шахслар ўртасида мулоқот маданиятини шакллантириш;
- фуқароларнинг ҳуқуқий билимдонлигини ривожлантириш;
- инсон омилини биринчи ўринга олиб чиқиш.

Юқоридаги вазифалар асосида иш олиб борилса республикаимизни ривожланган давлатлар қаторига янада тезроқ олиб чиқиш мумкин.

2. Юридик психологиянинг фан сифатида шаклланиши.

? Юридик психология қандай фан?

Давлат ва жамиятнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши кураш самарадорлигини оширишда ҳуқуқий психология муҳим касб этади. Психология билимларини ҳар томонлама чуқур эгаллаш, кўникмалар ҳосил қилиш ҳуқуқшуноснинг юксак муомала маданиятини таъминлайди. Психологик маданият ҳуқуқшунослик фаолияти самарасини оширибгина қолмай, унинг инсонпарварлик моҳиятини намоён этади.

Юридик психология фан сифатида юз йилдан аввал таркиб топиб

ривожлана бошлади. Криминалистика ва криминология билан боғлиқ йўналишда юридик психология нисбатан мукамал тараққий этган бўлиб, бу тезкор-қидирув ва тергов фаолиятида психологик билимларни қўллаш, шунингдек, содир этилган жиноятнинг детерминантини (аниқловчиси) аниқлаш, ассоциал хатти-ҳаракатларнинг олдини олишда психология методларини қўллаш билан боғлиқдир.

Илм-фан, турмушнинг барча соҳаларида ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишда юридик психология фанини ривожлантириш муҳимдир. Кишилар билан ишлай олиш ҳуқуқшунос ишининг асосини ташкил қилади. Бу бир катор ўзаро боғлиқ омилларни: кишиларнинг феъл-атворини ўрганиш, баҳолаш, улар билан психологик алоқа ўрнатиш ва бу алоқани мустаҳкамлаш, уларга таъсир ўтказиш, тарбиялаш кабиларни қамраб олади.

Ҳуқуқшуноснинг психологик маданияти ҳуқуқ - тартибот идоралари барча ходимларидан психологик билимлар мажмуини, шунингдек, кўникма ва услубларни эгаллашни талаб этади, бу юксак муомала маданиятини шакллантиради. Психологияни пухта эгаллаган терговчи суҳбатдошининг қиёфаси, оддий киши назарига тушмайдиган, икир-чикирдек туюлган одатлари, сўзлаш оҳанги, ўзини тутиши кабиларга қараб ички дунёсига, маънавиятига баҳо бера олади ва суҳбатни шундай ташкил қиладики, натижада ўзаро ишонч, психологик мулоқот ўрнатишга муваффақ бўлади. Бу психологик билимлар ҳуқуқшунослик фаолияти самарадорлигини ошишига олиб келади.

Назариётчи ва амалиётчи олим А.Ф Кони юридик психологияни ривожланишига салмоқли ҳисса қўшди. У гувоҳлар ва жабрланувчиларнинг психологиясини, кўрсатмаларини ўрганишга жуда катта эътибор берди. Шунингдек, судья курсисини эгаллаш учун тазйиқ, илтимос, теварагидагиларнинг ижтимоий фикр ниқобидаги ижтимоий ҳиссиётларнинг таъсирига тура оладиган иродага эга бўлиш зарурлигини эътироф этди. Ўтган асрнинг 69-йилларига келиб, бу соҳага нисбатан нуқтаи-назарлар ўзгарди.

Юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг юридик психология фанини тараққий эттириш учун кенг уфқлар очилди. Бу фан ўз тараққиётининг шартли равишда янги босқичига кўтарилди.

3.Юридик психологиянинг тармоқлари.

? Юридик психология соҳалари қанча?

Юридик психология психологиянинг фаолият мезони бўйича ажратилган соҳаларидан биридир. Бу фан хорижда жуда кенг ривожланган. Мустақилликка эришганимиздан сўнг бизнинг мамлакатимизда ҳам психологияга, жумладан юридик психологияга бўлган эътибор кучайди.

Юридик психология асосан олий ўқув юртларида, ҳуқуқшунослик бўлимлари талабалари учун ўтилади. Бу фаннинг таркибий қисмларига қуйидагилар киради:

- суд иши психологияси;
- криминал психология;
- жинойтчилар психологияси;
- терговчи психологияси;
- судья психологияси;
- адвокат психологияси.
- Суд - психологик экспертиза.

Бу таркибий қисмлар бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланади. Уларнинг асосий объекти – бу шахс ва унинг хатти-ҳаракатлари.

Суд иши психологияси суд жараёнига боғлиқ бўлган ҳолатларни ўрганиб, жинойтчиликни ҳолисона баҳолашга ҳаракат қилади. Судьялар жинойт иши билан танишиб, терговдаги ҳолатни таҳлил қилади. Ҳозирги кунда судларнинг ваколати доираси кенгайди. Судья ҳеч қачон унинг қўлида инсон тақдири турганини эсидан чиқармаслиги, айбланувчи шахсини ҳурмат қилиши, ишга ҳолисона ёндошиши керак. Криминал психологиянинг

предмети жиноятчиликни фош қилиш, унинг олдини олиш (профилактика) дан иборат. Жиноятчилар психологияси эса жиноятчиларнинг психологик хусусиятларини, характери, темпераменти, эмоцияларини, жиноятчи хатти-харакатининг мотивларини ўрганади. Терговчи, судья, адвокатлар психологияси ҳам уларнинг руҳий ҳолатларини, руҳий жараёнлари, хусусиятларини ўрганади. Уларда муомала маданиятини шаклланишини тадқиқ қилади. Суд - психологик экспертизада эса жиноятчиликка ҳолисона ёндошиш мақсадида жиноят иши билан танишиб, гумондор, жабрланувчилар билан психологик тестлар асосида индивидуал суҳбат олиб борилади. Яъни жиноят мотивлари аниқланади. Суд-психологик экспертизани мутахассис - психологлар олиб борадилар.

4. Юридик психологиянинг методлари

? Метод нима?

Тадқиқотдан кўзланган мақсадлар бўйича юридик психологиянинг методлари уч гуруҳга бўлинади:

1. Илмий- тадқиқот методлари. Бу методлар ёрдамида ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган инсоний муносабатларнинг психологик қонуниятлари тадқиқ этилади, жиноятнинг олдини олиш ва унга қарши кураш билан шуғулланаётган ходимларга илмий асосланган тавсиялар тайёрлаб берилади.
2. Шахсга психологик таъсир ўтказиш методи. Бу усул жиноятчиликка қарши курашаётган мансабдор шахслар томонидан қўлланилиб, жиноятларни очиш, уларнинг мотивларини аниқлаш мақсадларини кўзлайди.
3. Суд-психологик экспертизаси методлари. Улар тергов ёки суд органлари қарори бўйича эксперт-психолог томонидан имкони борида тўла-тўқис ва объектив тадқиқот ўтказиб, гумондор ёки судланувчининг хатти-ҳаракатлари учун жавоб бера оладиган даражадаги психик ҳолатини

аниқлаш мақсадини кўзлайди.

4. Кузатиш методи. Унинг афзаллиги шундаки, тадқиқот жараёнида инсон фаолиятининг одатдаги оқимига таъсир кўрсатилмайди. Бу метод асосида холис натижаларга эришиш учун бир қатор шартларга амал қилиш талаб этилади. Жумладан, кузатиш дастурини тайёрлаш, тадқиқот натижаларини тўғри қайд этиш кабилар.

Бундан ташқари анкета, индивидуал суҳбат, тажриба методларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

5. Юридик психологиянинг фанлар тизимида тутган ўрни

? Юридик психология қайси фанлар билан узвий боғлиқ?

Юридик психология фанлар тизимида жуда катта ўрин тутати. Фалсафа барча ижтимоий фанлар, шу жумладан юридик психологиянинг методологик асоси бўлиб ҳисобланади. Унга таяниб қатор муҳим муаммоларни, психиканинг табиатини, психика даражалари ҳамда инсон ва шахс концепцияси масалаларини тўлақонли ёритиш мумкин. Юридик психология биринчи навбатда психология ва ҳуқуқшуносликнинг муштараклигида ривожланиб борапти. Улар эса ўз навбатида шахс ҳамда жамиятнинг намоёндаси бўлган инсон билан чамбарчас боғлиқдир.

Шахс психологияси фани ҳам юридик психология билан боғлиқ. Чунки шахс муаммоси юридик психологияси барча муаммоларининг ўзаги бўлиб ҳисобланади. «Инсон-ҳуқуқ» тенграмасида ижтимоий муносабатларга киришган инсоннинг ҳуқуқий онгли шахс сифатидаги инсоний хусусиятлари намоён бўлади. Муайян жамиятда яшаётган инсон психологияси жамият қонунлари билан тартибга солиниб, ижтимоий фаолиятини белгилаб беради.

Юридик психологиянинг аҳамияти жуда катта. Чунки юристга жинойятчиликни олдини олишда, уни фош этишда юридик билим зарур.

Агар гумондорни, айбдорни, фуқароларни психологик хусусиятларини мутахассис яхши ўрганса унда жиноятларни фош этиш, воқеага тўғри баҳо бериш шаклланади. Бўлажак юристларда муомала маданиятини шакллантириш, мантикий фикрлашни, тўғри таҳлил ва синтез қила олишни ўргатиш инсон омилини биринчи ўринга чиқишига катта ёрдам беради.

Назорат саволлари:

1. Юридик психология нимани ўрганади?
2. Юридик психологиянинг мақсад ва вазифалари нимадан иборат?
3. Юридик психология қайси фанлар билан узвий боғлиқ?
4. Юридик психология нима учун ўрганилади?

**2-МАВЗУ: ЮРИДИК ПСИХОЛОГИЯНИНГ
МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

Режа:

1. Назарий билиш тушунчасининг маъно мазмуни.
2. Юридик психология фанида назарий билишнинг асосий методологик тамойиллари.
3. Юридик фаолиятда шахсни ўрганишнинг психологик усуллари.
4. Юридик амалиётда шахсга психологик таъсир кўрсатиш усуллари.

Таянч тушунчалар:

Билиш	– ўрганиш, билимни ошириш
Назарий билиш	- фақат назарий тушунчаларни ўзлаштириш
Методологик тамойил	- фанга оид услубий тушунча ва қоидалар
Психологик усуллар	- фан билан боғлиқ рухий усуллар(сухбат, кузатиш, тест кабилар)
Психологик таъсир	- жиноятчи, жабрланувчи, гумонланувчи каби шахсларга нисбатан кўрсатиладиган рухий таъсирлар (вербал ва новербал воситалар орқали)
Вербаль таъсирлар	- сўз орқали кўрсатиладиган таъсир

Новербалъ таъсирлар

- мимика, пантомимика, қиёфа, пауза кабилар орқали кўрсатиладиган таъсирлар

1. Назарий билиш тушунчасининг маъно мазмуни.

? Билиш деганда нимани тушунасиз?

Юридик психология назарий, илмий-педагогик предмет бўлиб, «инсон-ҳуқуқ» тизимининг психологик қонуниятларини ўрганади, бу тизимни такомиллаштиришга йўналтирилган тавсияларни ишлаб чиқади. Юридик психология ҳуқуқий муносабатлар таркиб топган шароитда шахс ва унинг фаолияти психологик қирраларини ўрганар экан, фақат тизимли ёндашув туфайлигина зиммасидаги кенг қамровли вазифаларни ҳал этиши ва муваффақиятли ривожланиб бориши мумкин. Психология ва юриспруденциянинг уйғунлашуви ҳар иккала фанни бойитади, энг муҳим муаммолардан бири – ҳуқуқ-тартибот ва судлов фаолиятида ижтимоий адолат мезонлари тантана қилишини таъминлайди. Бунинг учун эса аввало юридик психология фанини назарий жиҳатдан асослаб чиқиш, материалларни пухта тайёрлаш усулларини излаб топиш лозим.

Табиат ҳамда жамиятдаги нарсалар, ҳодисаларнинг қонуний боғлиқлиги ва ўзаро муносабатга киришиши жараёнининг киши онгидаги инъикоси жараёни тафаккур дейилади. Назарий билиш асосида тафаккуримиз туради. Тафаккур сезиш, идрок қилиш орқали билиш жараёнидан бошланади. Сўзлар фикрнинг зарур моддий ифодасини яратади. Инсон фикри образлар, тушунчалар ва мулоҳазалар ёрдамида шаклланади. Тафаккур жараёни тушунча, ҳукм ва хулоса чиқаришдан иборат. Бундан ташқари таҳлил (анализ), синтез ва умумлаштириш шакллари ҳам мавжуд. Шахс ўз тафаккури орқали назарий билимларни эгаллайди.

2.Юридик психология фанида назарий билишнинг асосий методологик тамойиллари.

? Методологик тамойил нима?

Юридик психология фанида асосий методологик тамойиллар қуйидагилардан иборат:

- назарий билиш тамойиллари
- фалсафий билиш тамойиллари;
- илмий билиш тамойиллари;
- амалий билиш тамойиллари;

Юридик психология методологиясининг асосий тамойилларидан яна бири инсонга шахс сифатида алоҳида ёндошувдан иборатдир. Муайян бир шахс учун унинг ички, шахсий –руҳий кечинмлари маълум бир ташқи таъсиротлар билан боғлиқ тарзда жинсий вазиятни вужудга келтиришини, шахсий криминоген ҳолатлар ва сабабларни аниқлаш ушбу тамойилнинг ўзагини ташкил этади.

Ана шу нуқтаи назардан «фаолият назарияси» алоҳида аҳамият касб этади. У мақсад, унга эришишнинг шарт - шароитлари, услублари ва воситаларини тадқиқ этади. Умуман олганда, ҳар қандай фаолият қуйидаги тузилишда: мақсад-сабаб (мотив) - қобилият – натижа лўнда ифодаланади.

Фалсафа юридик психология фанининг методологик асоси бўлиб ҳисобланади. Унга таяниб қатор муҳим муаммоларни, жумладан психиканинг табиатини, руҳиёт даражалари, шахс ва комил инсон масалаларини тўла ёритиш мумкин.

Илмий билиш тамойиллари таркибига юридик психологиянинг бошқа фанлар каби илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш усуллари киради. Олимларнинг юридик фаолият соҳасида олиб борадиган илмий - тадқиқот усуллари, тажрибалари катта аҳамият касб этади.

Амалий билиш тамойиллари эса илмий жиҳатдан асосланган маълумотларни, хулосаларни тергов, сўроқ қилиш амалиётларига тадбиқ қилиш имконини беради.

3. Юридик фаолиятда шахсни ўрганишнинг психологик усуллари.

? Шахс деб кимларни айтамыз?

Юридик фаолиятда шахсни ўрганишнинг психологик усуллари қуйидагилардан иборат:

1. Индивидуал суҳбат – унинг ёрдамида кузатиш пайтида тўпланган маълумотлар тўлдирилади. Суҳбат шахс фаолиятининг мотивлашувига оид жиҳатлар ҳақида маълумотлар олиш имконини беради. Суҳбатга тайёргарлик режа тузиб олишни назарда тутади.
2. Ҳужжатлар таҳлили – хатлар, ишга оид ҳисоботлар, кундаликлар, маърузалар, айрим таъкидлар, қайдлар кабилар мобайнида ўрганилаётган шахс ҳақида зарур ахборотларни тўплайдилар. Анъанавий ва расмийлаштирилган турларга бўлинади. Матн мазмуни таҳлили биринчи тоифага кирса, ахборотнинг айрим бўлакларни ажратиш ва ишлаб чиқариш иккинчи тоифани билдиради.
3. Таржимаи ҳол методи – ҳуқуқий эътиборга молик объектни ўрганиш муайян давр, миллат, синф, ижтимоий табақа шарт-шароитларига борлиқ бўлган шахснинг шаклланиши жараёнини тадқиқ этиш демакдир. Инсон ҳаёт йўлини ўрганишни уч ёшлигидан бошлаш мақсадга мувофиқдир.
4. Тестлар методи – улар ёрдамида ҳар бир киши мустақил равишда ўзига зарур фазилатларни характериға сингдириш учун машғулотлар тизимини белгилаб олади.
5. Шахс тўғрисида маълумотларнинг баҳоланиши. Юристини қизиқтираётган шахс ҳақида маълумотларни тизимлаштиришга

куйидагилар асос қилиб олинади: шахсни фаолиятда ўрганиш тамойили, шахснинг яхлитлиги тамойили, конкрет-тарихий нуқтаи-назардан ёндашиш тамойили.

Юқоридаги усуллар орқали шахсни ўрганиб, унинг ички дунёсини аниқлаш мумкин.

4. Юридик амалиётда шахсга психологик таъсир кўрсатиш усуллари

? Психологик таъсирлар неча хил бўлади?

Юридик амалиётда шахслар бир-бирлари билан мулоқотга киришар экан, уларнинг асосий кўзлаган мақсадларидан бири-ўзаро бир-бирларига таъсир кўрсатиш, яъни фикр-ғояларига кўндириш, ҳаракатга чорлаш, установкаларни ўзгартириш ва яхши таассурот қолдиришдир. Психологик таъсир-бу турли воситалар ёрдамида инсонларнинг фикрлари, ҳиссиётлари ва ҳатти-ҳаракатларига таъсир кўрсата олишдир.

Психологияда психологик таъсирнинг профессор В.Каримованинг фикрича, уч воситаси фарқланади:

1. Вербал таъсир - бу сўз ва нутқимиз орқали кўрсатадиган таъсиримиз. Асосий восита бу ерда сўзлардир. Нутқ-бу сўзлашув, ўзаро мулоқот жараёни бўлиб, унинг воситаси-сўзлар ҳисобланади. Монологик нутқда ҳам, диалогик нутқда ҳам киши ўзидаги барча сўзлар захирасидан фойдаланиб, энг таъсирчан сўзларни топиб, шериғига таъсир кўрсатишни хоҳлайди.

2. Паралингвистик таъсир-бу нутқнинг атрофидаги нутқни безовчи, уни кўчайтирувчи ёки сусайтирувчи омиллар. Бунга нутқнинг баланд ёки паст товушда ифодаланаётганлиги, товушлар, тўхташлар, дудукланиш, йўтал, тил билан амалга ошириладиган ҳаракатлар, нидолар киради. Шунга қараб, дўстимиз бизга бирор нарсани ваъда бераётган бўлса, биз унинг қай даражада самимийлигини билиб оламиз.

3. Новербал таъсирнинг маъноси “нутқсиз”дир. Бунга суҳбатдошларнинг фазода бир-бирларига нисбатан тутган ўринлари, ҳолатлари (яқин, узоқ, интим), қилиқлари, мимика, пантомимика, қарашлар, бир-бирини бевосита ҳис қилишлар, ташқи қиёфа, ундан чиқаётган турли сигналлар (шовқин, ҳидлар) киради. Уларнинг барчаси мулоқот жараёнини янада кўчайтириб, суҳбатдошларнинг бир-бирларини яхшироқ билиб олишларига ёрдам беради. Америкалик олим Меграбян формуласига кўра, биринчи марта кўришиб турган суҳбатдошлардаги таассуротларнинг ижобий бўлишига гапирган гаплари 7 фоиз, паралингвистик омиллар 38 фоиз ва новербал ҳаракатлар 58 фоизгача таъсир қиларкан. Мулоқотнинг қандай кечиши ва кимнинг кўпроқ таъсирга эга бўлиши шерикларнинг ролларига боғлиқ. Таъсирнинг ташаббускорида атайлаб таъсир кўрсатиш мақсади бўлади ва у бу мақсадни амалга ошириш учун барча юқорида таъкидланган воситалардан фойдаланади. Масалан, раҳбар ходимини унга иши тушиб чақирса, ходимини ўрнидан туриб кутиб олади, куюқ сўрашади, кейин мақсадга ўтади. Таъсирнинг адресати-таъсир йўналтирилган шахс. Лекин ташаббускорнинг суҳбатга тайёргарлиги яхши бўлмаса ёки адресат тажрибалироқ шерик бўлса, у ташаббусни ўз қўлига олиши ва таъсир кучини қайта эгасига қайтариши мумкин бўлади.

Назорат саволлари:

1. Назарий билиш деганда нимани тушунасиш?
2. Юридик психология фанида назарий билишнинг асосий методологик тамойиллари қайсилар?
3. Назарий билиш усулларига нималар киради?
4. Юридик амалиётда шахсга психологик таъсир кўрсатиш усулларида қайсиларини қўллаш мумкин?
5. Вербаль ва новербаль таъсирларга нималар киради?

3 - МАВЗУ: ЮРИДИК МЕҲНАТ ПСИХОЛОГИЯСИ

Режа:

1. Юридик меҳнат психологиясининг асосий вазифа ва қонуниятлари.
2. Юридик касбининг касбграммаларига психологик тавсиф ва юридик касбларнинг касбграммаларини тузиш.
3. Юридик фаолиятда керакли бўлган касбий фазилатларнинг психологик асослари.

Таянч тушунчалар:

Юридик меҳнат психологияси	- психологиянинг ҳуқуқшунослик соҳаси билан боғлиқ тармоғи
Юридик касби	- ҳуқуқ соҳасини камраб олувчи соҳа
Касбграмма	- ҳар бир касбга тавсифнома тузиш

1. Юридик меҳнат психологиясининг асосий вазифа ва қонуниятлари.

? Юридик меҳнат деганда нимани тушунасиз?

Профессионал ҳуқуқшунослик фаолияти – давлат арбоби фаолияти демакдир. Ҳуқуқшунослик касб-корларининг кўпчилиги (прокурор, судья, терговчи, тезкор ходимлар) меҳнати ҳукмини ўтказишнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кафолатланишини тақозо этади.

Юрист меҳнати психологиясининг асосий вазифаси – касб-кор тақозо этадиган талабларнинг рационал мувозанатини аниқлашдан иборат. Бу мураккаб ва масъулиятли меҳнат ҳуқуқшунос ходимларига катта талаблар қўяди. Юрист касб-корларининг ўзига хос хусусияти – ташкилий фаолиятнинг катта ўрин тутишидан иборат бўлиб, у иккита асосий жиҳатга эга:

1) иш куни, иш ҳафтаси мобайнида ўз ишини режалаштириш, вақти-соати белгиланмаган иш куни шароитларида ҳуқуқбузарлик ёки жиноий ишга оид суриштирув ва тергов ишларини ташкил қилиш,

2) бошқа мансабдаги ҳамкасблар, бошқа ҳуқуқ - тартибот идоралари билан ҳамкорликда ишни ташкил этиш шу жумладандир. Жиноий ишни очиш, суд қилиш мобайнида адолатли ҳукм чиқариш – ижодий жараён бўлиб, терговчи, прокурор, судья, адвокатлардан сезгирликни, диққат - эътиборни, инсонпарварликни, инсон ички дунёсига йўл топа билишни талаб этади.

Ҳуқуқшунослик фаолияти турларини тизимлаштирган ҳолда ўрганиш мобайнида икки гуруҳга: асосий ва ёрдамчи гуруҳларга ажратиб олинади. Фаолиятнинг асосий турлари тергов ва судлов идораларининг бевосита мақсадга эришишини кўзлайди. Улар сирасига: ваколатли, конструктив ҳамда ахлоқ тарбиялаш гуруҳларини киритиш мумкин. Ёрдамчи турлари (алоқа, ташкилий, таъкидий) асосий мақсадлар тўла рўёбга чиқарилишига ёрдам беради.

2. Юридик касбининг касбграммаларига психологик тавсиф.

? Касбграмма деганда нимани тушунасиз?

Юрист меҳнатининг юксак самарадорлиги – унинг шахс сифатидаги фазилатларини алоҳида эътиборга олиш ҳамда шахсий фазилатлари ушбу касб талабларига жавоб беришини тўғри баҳолашни тақозо этади. Юрист фаолиятининг асосий жиҳатларини, шунингдек унда кўзга ташланадиган инсоний сифатларни комплекс тарзда акс эттирувчи юридик профиограммаларини яратиш, ушбу фаолият психологик таҳлилининг асосий талабларидандир.

Профиограммалар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Ижтимоий фаолият. Ўзларига топширилган участкада ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашнинг ташкилотчилари бўлган терговчи, тезкор

ходим, меҳнат-ахлоқ тузатиш муассасаси тарбиячиси, прокурор фаолиятидаги сиёсий омил ижтимоий фаолият мазмунини ташкил этади. Бу фаолият жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар, ҳуқуқий тарғибот, жиноятчини қайта тарбиялашда унинг хулқ-атворини ижтимоий талабларнинг меъёрига бўйсундириш кабилардан иборат.

2. Суриштирув фаолияти касб-корга оид масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган илк маълумотларни йиғишни билдиради. Терговчи, тезкор ходим судья профессиограммаларида бу фаолиятнинг қиёсий вазни айниқса юқоридир.

3. Реконструктив фаолият. Бу жиноий иш бўйича жами тўпланган маълумотларнинг жорий ва якуний таҳлили бўлиб, унинг синтези ва махсус билимларга таянган ҳолда ишчи версияларини илгари суриш демакдир. Ишни режалаштириш ҳам реконструктив фаолиятнинг натижаси бўлиб ҳисобланади.

4. Коммуникатив (алоқага киришиш) фаолияти муомала жараёнида зарур маълумотларни олишни англатади. Бу фаолият айниқса, тергов мобайнида, адвокатлар, тезкор ходимлар ишида катта аҳамият касб этади.

5. Ташкилий фаолият ишчи версиялар ва режаларни амалга ошириш чоғидаги иродавий хатти-ҳаракатлардан иборатдир. У иккита омилга бўлинади: профессионал масалани ҳал этиш учун ўзини ва одамларни сафарбар этиш.

6. Далиллаш фаолияти – иш бўйича олинган барча маълумотларни қонунда кўзда тутилган тарзда, махсус шаклда баён этишни билдиради.

3.Юридик фаолиятда керакли бўлган касбий фазилатларнинг психологик асослари.

? Касбий фазилатлар қандай шаклланади?

Ҳуқуқшунос ходимнинг профессиограммасини таҳлил қилишни терговчи касбидан бошлаш мақсадга мувофиқ. Чунки у тергов хатти - ҳаракатларининг ташкилотчиси бўлиб, маъсулиятли қарорларни қабул қилади, уларни бажарилишига эришади. Амалий иш ундан ҳамisha диққат - эътиборлилик, аниқлик ва саришталикни талаб этади. Терговчи маданиятли бўлиши лозим. У ўзида аниқ мақсадга йўналтириладиган ихтиёрий диққатни тарбиялаши керак. Бу ўз ишига нечоғли қизиқишнинг ўлчовларидан биридир. Терговчида кузатувчанлик қобилияти кучли шаклланган бўлиши лозим. Бу фазилат терговчига иш жараёнида асқотади. Психологик кузатувчанлик инсон хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларини олдиндан кўра билиш бўлиб, терговчи зарур пайтларда шунинг ёрдамида кузатилаётган кишини бошқариш имконига эга бўлади. Кузатувчанлик турмуш тажрибасида шаклланади, профессионал фаолият мобайнида такомиллашади. Юристга хос бўлган фазилатлардан яна бири коммуникатив (мулоқотга киришувчанлик) соҳа бўлиб ҳисобланади. Терговчи ва сўроқ қилинаётган шахснинг бир-бирларини тушунишлари, англашлари улар ўртасидаги психологик муносабат қай даражада эканлигига боғлиқ.

Бундан ташқари судья фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Судья ишининг кенг қамровлилиги юқори даражадаги умумий ва ҳуқуқий топқирликни, хилма - хил вазиятларда тўғри қарор чиқара билишни талаб этади. Судьянинг хулқ - атвори, қиёфаси суд залида йиғилганларда ҳурмат-эҳтиром уйғотиши, унинг мураккаб ишларини, кишилар тақдирини ҳал этиш борасидаги ҳуқуқи, қобилияти, малакасига заррача шубҳа туғдирмаслиги зарур. Судья шахсининг мулоқотга киришишга оид касбий фазилатлари ана шу хусусиятларни намоён эта билишида кўзга ташланади.

Назорат саволлари:

1. Юридик меҳнат психологиясининг предмети нима?
2. Юридик касбга тавсифнома беринг.
3. Касбграмма деганда нимани тушунасиз?
4. Юридик шахсни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
5. Юридик фаолиятда керакли бўлган касбий фазилатларнинг психологик асосларига нималар киради?

4-МАВЗУ: ЮРИДИК ФАОЛИЯТНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

Режа:

1. Мулоқот ҳақида тушунча.
2. Мулоқот жараёнида психологик алоқани ўрнатиш ва ривожлантириш тактикаси.
3. Гувоҳ ва жабрланувчилар, шубҳаланувчи ва айбланувчилардан керакли маълумотларни олишнинг психологик хусусиятлари.
4. Жиноятчи шахслар билан алоқа ўрнатишнинг психологик асослари.

Таянч тушунчалар:

Мулоқот	- кишиларнинг ўзаро нутқ орқали бўладиган муносабатлари
Психологик алоқа	- рухий жиҳатдан боғланиш
Психологик такт	- рухий одоб, назокат, меъёрни билиш
Баҳолаш	- шахсга ҳар томонлама тавсиф бериш
Шахс	- инсон, одам, фаолият билан шуғулланувчи, онгли, мулоқотли киши

1. Мулоқот ҳақида тушунча.

? *Шахслараро мулоқот нима?*

Мулоқот фақат инсонларга хос бўлган жараёндир. Кишиларда фаолият жараёнида бир - бирларига ниманидир айтиш истаги туғилади.

Мулоқот - одамлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир. Мулоқот (муносабат) биргаликда фаолият кўрсатувчилар ўртасида ахборот айирбошлашни ўз ичига олади. Бунда муносабатнинг коммуникатив жиҳати ҳисобга олинади. Кишилар муносабатга киришишда аввало тилга мурожаат қиладилар. Мулоқотнинг яна бир жиҳати муносабатга киришувчиларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати - нутқ жараёнида фақат сўзлар билан эмас, балки ҳаракатлар билан ҳам айирбошлашдан иборат. Масалан, муносабатга киришар эканмиз, у бизни қониқтирса имо-ишора билан мулоқотда бўламиз. Муносабатнинг кейинги жиҳати мулоқотга киришувчиларнинг бир-бирларини идрок эта олишларидир. Масалан, биз бир киши билан мулоқотга киришишдан аввал уни ҳурмат қилиб ёки менсимасдан муносабатда бўламиз. Демак, мулоқот жараёнида коммуникатив (ахборот узатиш), интерактив (ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш) ва перцептив (ўзаро биргаликда) идрок этиш амалга оширилади.

Мулоқот қонуниятларини билиш ҳамда уни ўрнатиш малакалари ва қобилиятларини ривожлантириш ҳар бир киши учун муҳимдир.

Ҳар бир кишининг ўз “Мени” атрофдагилар билан бўладиган мулоқот жараёнида шаклланади, Шахснинг ҳаёт йўллари аввал оилада, боғча, мактаб, институт, ишхона, кексалар орасида, яъни гуруҳ ва жамоаларда ривожланади. Бизнинг юксак маънавий эҳтиёжларимиздан бири - бу мулоқотга бўлган эҳтиёждир. Мулоқотга бўлган эҳтиёжимиз қондирилмаса, онгимиз ҳам ривожланмайди. Шунинг учун биз доимо мулоқотга бўлган эҳтиёжларимизни қондиришимиз лозим. Кимлар биландир бўлган

мулоқотдан қониқиш ҳосил қиламиз, лекин айрим ҳолларда эса биз қониқмасликни ҳис қиламиз.

Биз гуруҳ ва жамоага кирар эканмиз, доим унда турли ролларни бажаришга тўғри келади. Расмий гуруҳда бошлиқ ролини ўйнасак, касалхонада бемор, дўконда харидор, оилада рафиқ ёки рафиқа, ота - она олдида эса фарзандлик ролини бажарамиз.

2. Мулоқот жараёнида психологик алоқани ўрнатиш ва ривожлантириш тактикаси.

? Мулоқот тактикаси деганда нимани тушунасиз?

Мулоқотнинг муваффақиятли бўлишида шахснинг шаклланган сифатлари, фазилатларининг аҳамияти жуда катта. Жумладан, шахсда ижобий фазилатлар яхши шаклланган бўлса (хушмуомалалилик, камтарлик, инсонпарварлик, тўғри сўзлилиқ, виждонлилиқ кабилар) мулоқот жараёни ҳам яхши ўтади. Чунки шахслар бир-бирини тўғри тушунишлари учун, мулоқот муваффақиятли бўлиши учун улар самимий бўлишлари лозим.

Самимийлик инсоннинг энг ажойиб фазилатларидан бири бўлиб, воқеа-ҳодисаларга оқилона муносабатда бўлиш, турли таъсирларга берилмасликдир. Самимийликнинг муҳим белгиси - бу юздаги хушмуомалалик ифодаси ва табассум. Самимийлик бизнинг кайфиятимизга ҳам боғлиқ, чунки кайфиятимиз яхши бўлса, самимийлик кучаяди. Самимийлик кўрсатиш учун кишининг кўнгли тоза, оқкўнгил бўлиш лозим. Самимийлик фазилати айниқса раҳбарнинг ходимлари билан қиладиган мулоқотида муҳимдир. Агар раҳбар ходимлари билан самимий муносабатда бўлмаса уларнинг кайфияти тушиб, меҳнат унумдорлиги пасайиши мумкин. Айрим раҳбарлар қўл остидагилар билан қўпол, менсимасдан муносабатда бўлиб, буйруқ оҳангида автократик услубга асосланиб иш кўрадилар.

Машҳур Америкалик нотиқ, психолог Дейл Карнеги китобида кўрсатилишича, бир раҳбар доимо ковоғини солиб юрган, кишилар билан

самимий муносабатда бўлмагани учун ҳамма ундан кўриб, ундан қочиб юрар экан, ҳатто турмуш ўртоғи билан ҳам менсимасдан муомала қилар экан. Карнегининг маърузасидан сўнг бу раҳбар турмуш ўртоғига ҳам, қўл остидаги кишиларга ҳам самимий жилмайиб муомала қилишни бошлаганида ҳамма уни яхши кўриб обрўси ортиб кетибди, ўзининг ҳам кайфияти кўтарилиб кетибди.

Муомала сирларидан яна бири -бу кишилар билан муносабатда жилмайишдир. Д. Карнеги фикрича, жилмайганда биз бир-биримизга яхшилиқ қилиш истагида турамыз. Масалан, транспорт ҳайдовчилари, аҳолига хизмат кўрсатиш ходимлари, ошпазлар, сартарошлар, сотувчилар самимий бўлсалар, камтар, хушмуомала бўлсалар, “биз сизга хизмат кўрсатишдан мамнунмиз” деган сўзларни ишлатсалар, уларнинг обрўлари ортиб, мухлислари кўпаяди, кишилар уларнинг хизматларидан кўпроқ фойдаланадилар. Шунингдек, юристлар ҳам фуқароларга яхши муомалада бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

3.Гувоҳ ва жабрланувчилар, шубҳаланувчи ва айбланувчилардан керакли маълумотларни олишнинг психологик хусусиятлари.

? Юрист субъектдан зарур маълумотларни қандай йўллар орқали билиб олиши мумкин?

Бизга зарур маълумотларни билиб олишнинг иккита асосий йўл - йўриғини кўрсатиш мумкин. Биринчиси - субъектни юрист учун қизиқарли бўлган фактларни беихтиёр тилга олишга мойил этиш. Иккинчиси-бизни қизиқтираётган шахсга тегишли ахборотни мужассам этган ихтиёрсиз жисмоний ва экспрессив хатти-ҳаракатларга майл уйғотиш.

Биринчи усулни шартли равишда нутқли – репродуктив деб аташ мумкин. Гувоҳ, жабрланувчи ва айбланувчини ҳуқуқшуносга зарур маълумот беришга қўзғатувчи бир қатор усуллар мавжуд.

1. Манфаатдор субъектнинг хотирасида муайян образларни уйғотувчи ҳамда ихтиёрсиз мулоҳазаларни айтиб юборишга қўзғатувчи конкрет предметларнинг намоиш қилиниши. Мисол учун фотосурат, фотоаппарат, фотоишига оида қоғозлар, булар суҳбатга туртки бериши мумкин.
2. Суҳбатда турдош мавзудан фойдаланиш. Яъни бирданига гангитадиган саволлар бермасдан, иккинчи даражали саволлар орқали асосий саволга ўтиш ва унга жавоб олиш даркор.
3. Бевосита, тўғридан - тўғри, лекин етарли даражада мотивлашган саволларни қўндаланг қўйиш.
4. Мулоқот мобайнида бизни қизиқтираётган субъектда муайян руҳий ҳолатни шакллантириш йўли билан уни тегишли суҳбатга ундаш.
5. Бизни қизиқтираётган субъектнинг жинсий хатти-ҳаракатларига алоқадор конкрет предметларни намоиш этиш.
6. Бир зумлик, кутилмаган, психологик жиҳатдан таъсирчан ҳаётӣ ҳолатларни яратиш.
7. Одатдаги фаолият шароитини яратиш.

4. Жиноятчи шахслар билан алоқа ўрнатишнинг психологик асослари.

? Кимлар жиноятчи деб аталади?

Жиноятчилар билан алоқа ўрнатиш учун аввало улар билан музокаралар олиб бориш муҳимдир. Музокара олиб бориш қобилияти ёки дипломатия асрлар мобайнида мураккаб ақлий фаолият жараёни деб ҳисоблаб келинган. Тўқнашувларнинг олдини олиш ёки уларга чек қўйиш,

муроса йўллари қидириш, иккала тарафни қаноатлантирадиган қарорга келиш музокара йўли шартномалар тузиш кўникмасини талаб этади.

Томонларнинг бири вужудга келган вазиятни ўзгартириш истагини билдирган чоғдан бошлаб, музокаралар бошланади. Музокаралар инсонлараро муомаланинг юксак воситаси, қадим ўтмишдан бери қўлланилиб келинаётган ажойиб ихтиросидир. Ҳар қандай ижод қаби музокара олиб бориш-асабларни таранг қиладиган оғир ақлий меҳнатдир.

Жиноятчилар билан музокара ўтказишда энг муҳими – музокарачиларни танлаш ва тайёрлашдир. Бу жараён кўнгилли истакни, номзодларнинг индивидуал хусусиятларини, яъни танг ҳолатларда фикр алмаша олиш, қўзғатувчанлик, акс таъсирнинг тезлиги, ўзини тута билиш, ҳиссий барқарорлик, ақл-идрокни, муомаласини, характерининг ушбу вазифага зарур даражада мувофиқлиги, инсоний фазилат устуворлигини тақозо этади.

Музокарачилар психология ва педагогика соҳаларида чуқур билимга эга бўлишлари, махсус тайёргарлик кўрган бўлишлари керак. Бу билимларни эгаллашнинг асосий методологик роль ўйнаши бўлиб, бунда жиноятчилар билан музокаралар чоғидаги қаби конкрет муҳит вужудга келтирилади. Ўқиб-ўрганиш жараёнида психологик кураш, қонунга ҳилоф хатти-ҳаракатлардан қайтариш мақсадини кўзлаб, жиноятчиларга таъсир ўтказиш, қониқарли битимга эришиш кўникмалари мустаҳкамланади.

Назорат саволлари:

1. Мулоқот жараёни кишилар ўртасида қандай амалга оширилади?
2. Психологик такт қачон бўлиши керак?
3. Қандай кишиларни жиноятчи деб айтилади?
4. Кимлар жабрланувчи деб айтилади?
5. Юридик фаолиятнинг ижтимоий-психологик асослари

5 - МАВЗУ: ЖИНОЯТЧИ ПСИХОЛОГИЯСИ.

Режа:

1. Жиноятчи шахси тушунчаси.
2. Қонунбузарлик сабаблари ва уларнинг тавсифи.
3. Жиноятчи шахсини асосий криминал, типологик типларининг тавсифи.

Таянч тушунчалар:

Шахс – онгли, фаолият билан шуғулланувчи, мулоқотли индивид

Социал муҳит – ижтимоий муҳит, жиноятга сабаб бўлувчи жой.

Жиноятчи психологияси – жамият учун моддий ва маънавий зарар келтирувчи киши

Психология – психикани ўрганувчи соҳа

Жиноятчилик мотиви – жиноятни келтириб чиқарувчи сабаб

1. Жиноятчи шахси тушунчаси

? Жиноятчилик деганда нимани тушунаси?

Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар соҳасида инсон фаолиятини тадқиқ этиш учун психологик билимларнинг ўрни жуда катта. Инсонни, унинг шахсини, асосий психологик ҳолатларни, жараёнларни, (эҳтиёж, мотив, мақсад, темперамент, установка, ижтимоий йўналиши ва шахсининг тавсифини) чуқур ўрганиш юридик фаолиятда муҳимдир

Жиноятчи шахсини ўрганиш учун аввало жиноятчилик билан курашиш зарур. Психология шахс иммунитет механизмини криминал вазиятларда ўрганади ва жиноятчиликнинг олдини олишни асосий мақсад қилиб қўяди.

Криминал психология фақат зўравонлик асосидаги жиноятларнигина эмас, балки жиноий гуруҳлар тузилишини психологик хусусиятларини ҳам ўрганади. Жуда кўпгина жиноятлар қонунни бузишдан келиб чиқади. Криминология, социология ва психология учун инсонни кўпроқ динамик, генетик томондан ўрганиш яхши натижа беради. Қонун бузилиши сабабларини ўрганишда кўпроқ бизни фақатгина жиноятчининг хатти-ҳаракатлари эмас, балки айрим воқеалар қизиқтиради. Шахс шаклланиши

жараёнини криминалогия ва қонунни қизиқтирмайди, чунки буни педагогика, психология, социология каби фанлар ўрганади.

? Нима учун киши жиноятга қўл уради? Жиноят содир этаётгани нимага ўзини тўхтатиб қололмайди?

Шахс жиноят содир этаётганда унинг ички психофизиологик ҳолатлари муҳим рол ўйнайди. Унда ички ва ташқи тормозланиш мавжуд. Жиноят содир этилаётганда биздаги эмоциялар кўзғалиш ҳолатига келади. Яъни бутун ҳис-туйғуларимиз онгсизлик ҳолатига ўтиб кетади. Жиноятнинг келиб чиқишида бир неча сабаблар, мотивлар пайдо бўлади. Инсон қанчалик тарбияланган бўлса эмоцияларини бошқара олади. Лекин айрим ҳолларда чегарадан чиқиб кетиш, яъни онгсизлик ҳолатига ўтиб кетиш пайтлари ҳам бўлади. Халқимизда «жаҳл келса ақл қочади» деб бекорга айтилмаган. Жаҳл келганла фикр тораяди, миёда жамият қонун-қоидаларига тўғри келмайдиган тасаввур ва тушунчалар пайдо бўлади.

Жамият қонун - қоидаларига тўғри келмайдиган тасаввурлар ва тушунчалар кишининг асаб тизимига, темпераментига, характериға кучли таъсир қилади. Шахснинг ижтимоий ва биологик хусусиятлари ҳақидаги умумий маълумотлар муҳим масалаларни, яъни жиноятчиликни очишга ёрдам бермайди. Бунинг учун кишининг имкониятлари, эҳтиёжлари, билиш жараёнлари, тарбияланганлик даражаси, жиноятни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Демак, жиноятчилик ўз-ўзидан келиб чиқмайди. Биологик ва социал имкониятларни шахс шаклланишига қанчалик боғлиқлигини ҳисобга олиш муҳимдир.

Ф. Г. Углов тадқиқотларининг кўрсатишича, 1500 нафар тараққиётдан орқада қолган болаларнинг 2 фоизи наркотик истеъмол қилмайдиган оналардан, 9 фоизи алкоголь истеъмол қилувчи оналардан, 74 фоизини наркотик моддаларни кўп истеъмол қилувчи оналардан туғилганлиги аниқланган. Жиноятчилик ирсият орқали ўтмайди. Бола онасининг қорнидан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Жиноятчилик атрофдаги муҳит, муносабатлар

(ота - она, тенгдошлар, катталар билан бўладиган) таълим - тарбия таъсиридан келиб чиқиши мумкин. Унинг пайдо бўлишига қизиқиш, эҳтиёж, ироданинг пастлиги ҳам сабаб бўлади.

2. Қонунбузарлик сабаблари ва уларнинг тавсифи.

? Нима учун қонун бузилади?

Қонунбузарлик социал муҳит таъсиридан келиб чиқади. Ўсмирларда бу ҳол кўп кузатилади, чунки улар балоғат ёшига ўтаётган чоғларида физиологик ва психологик ўзгаришларни бошларидан кечирадilar. Ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини тарбиялаш жараёни ҳали тўла шаклланмаган бўлади. Бундан ташқари катталарда ҳам қонунбузарлик ҳолатлари, хатти-ҳаракатлари ҳам кузатилади. Масалан, алгоколь ичимликларини кўп истеъмол қиладиган, оилавий шароити оғир бўлган кишиларда, аффект (кучли руҳий кўзғалиш, шуурий ҳолат) ҳолатида қонунбузарлик жиноий хатти-ҳаракатларга сабабчи бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларни аниқлашда терговчи жуда кучли асосланган далилларга таяниши лозим.

Бизни қонунбузарликнинг сабаблари қизиқтирар экан, қонун билан таъқиқланган жиноий хатти-ҳаракатни вужудга келтирувчи фаолиятнигина эмас, балки унинг муқаддимасидаги айрим фаолиятларни ҳам эътиборга олиш лозим. Киши хулқ - атворига салбий таъсир кўрсатувчи сабабларга қуйидагилар ҳам киради:

- Биологик эҳтиёжлар патологияси кўп ҳолларда жиноий бузуқлик ва жинсий жиноятларни келтириб чиқаради.
- Асабий-руҳий касалликлар асаб тизими кўзғалувчанлигини кучайтириб, ноадекват акс таъсирига олиб келади, жавобгарликни қийинлаштиради.
- Авлоддан авлодга ўтувчи туғма касалликлар, айниқса ичкиликбозлик туфайли зўрайиб кетади, ақли заиф болаларнинг 40 фоизи мана шу касаллик оқибатидандир.
- Психофизиологик зўриқиш, зиддиятли вазиятлар, атроф муҳитда кимёвий

таркибнинг ўзгариши, турли психологик, аллергия ва захарланиш касалликларига сабаб бўлиб, қўшимча криминал омилларга айланади.

Жиноятларни келтириб чкарадиган сабабий туркумлардан бири одамлар маънавий ва моддий эҳтиёжларнинг қондирилмаслиги бўлиши ҳам мумкин.

3. Жиноятчи шахсини асосий криминал, типологик типларининг тавсифи.

Жиноятчиликнинг ижтимоий детерминацияси механизми шахсий ўрганишга икки хил: ижтимоий-типологик ва ижтимоий роль ёндошуви тақозо этади. Ижтимоий-психологик ёндошишда шахснинг ижтимоий нуқтаи назари, шунга мувофиқ ижтимоий нормалари, уларни идрок этиш ва ижро этишни таҳлил қилинади. Иккинчи ҳолатда шахс ижтимоий муносабатларининг фаол арбоби, субъекти сифатида кўриб чиқилади.

Жиноятчи шахсини криминал психология ўрганади. Бу фаннинг асосий масалаларидан бири – шахснинг ички, руҳий сабабларини ажратиб кўрсатишдан иборат. Чунки аввало шахснинг мотивлашадиган ички сабаблари ташқи муҳитнинг айрим омиллари билан ўзаро қўшилиб, шахс учун криминал вазиятни яратиши мумкин.

? Криминал, типологик типлар деганда нимани тушунамиз?

Жиноятларнинг ҳар хил турлари (қасддан, зўравонлик билан, эҳтиётсизлик оқибатида) учун ҳуқуқбузардаги турлича сохта мотивлари характерли бўлиб ҳисобланади. Моддий – товар қадриятлари ва хизматларга эҳтиёжлар билан уларни рўёбга чиқариш ўртасидаги узилиш ижтимоий салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Жиноий хулқ-атворнинг икки шакли мавжуд: моддий ва маиший, маданий хизмат эҳтиёжлари. Етишмовчилик жиноий фаолият ўсишига шарт-шароит яратади. Талаб ва таклиф ўртасидаги номутоаносибликдан турли-туман “ишбилармонлар” фойдаланади, қонунга

хилоф операциялар орқали ўз тўлов қобилиятини ошириб боради. Эҳтиёжларни қондиришдаги етишмовчилик фирибгарлик, порахўрлик, коррупция, наркобизнеснинг тегирмонига сув қуяди.

Терговчи ва суд томонидан айбланувчи шахсининг психологик хусусиятларини тўлақонли ва чуқур ўрганиш бир қатор долзарб масалаларни ҳал этишга кўмаклашади: жумладан, содир этилган жиноятни тўғри классификациялаш, тактик усулларни тўғри танлаш, ҳуқуқбузарга нисбатан тарбиявий таъсир ўтказишни биринчи сўроқдан бошлаш, айбланувчининг психологик хусусиятларини чуқур ўрганиш кабилар.

Криминал психологияда жиноятчи шахсини ўрганиш дастури катта аҳамиятга эга. Унда қуйидаги белгиларни кўрсатиб ўтиш керак:

1. Ижтимоий – демографик - бу гуруҳ жинс, ёш, маълумот, сиёсий эътиқод, ижтимоий мавқе, мутахассислик, қандай ролга мансублик кабилар.
2. Ижтимоий – психологик - бу гуруҳ бўйича шахснинг ақл - идроки, иродаси, маънавий фазилатлари, характериға хос хусусиятлар билан баҳоланади.
3. Психофизиологик – бу гуруҳға темперамент типлари киритилади.

Назорат саволлари:

1. Жиноятчилик қаердан келиб чиқади?
2. Жиноятчиликнинг олдини олиш мумкинми?
3. Кимларни жиноятчи деб аталади?
4. Криминал психология нимани ўрганади?
5. Суд иши психологиясининг предмети нима?
6. Онгсизлик деганда нимани тушунаси?

6-МАВЗУ: УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИК ВА ЖИНОЙИ ГУРУҲЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ

Режа:

1. Уюшган жиноятчилик ва жиноий гуруҳларнинг психологик тавсифи.
2. Жиноий гуруҳлар типологияси.
3. Жиноятчи гуруҳларнинг жиноий ҳаракатларининг психологияси.
4. Шахс ва гуруҳнинг криминал йўналганликларининг ижтимоий-психологик тавсифи.

Таянч тушунчалар:

Жиноятчилик	— гуруҳий қонунбузарликка йўл қўйиш.
Криминал ҳаракат	— жиноий ҳатти - ҳаракатлар
Уюшган жиноятчилик	- барқарор ҳодиса бўлиб, кенг қамровли, ташкилий тизим.
Коррупция	— уюшган жиноятчилик.

1. Уюшган жиноятчилик ва жиноий гуруҳларнинг психологик тавсифи

? Уюшган жиноятчилик илдизлари қаердан келиб чиқади?

Уюшган жиноятчилик ижтимоий ўта хавfli бўлиб, жиноятчиликнинг «чўққиси» ни англатади. У одатдаги жиноий шерикларлан фарқли ўларок жиноий ҳамжамият тарзидаги фаолиятни билдиради.

Уюшган жиноятчилик – барқарор ҳодиса бўлиб, одатдаги жиноятнинг олдини олиш – профилактика тадбирларига бўйсунавермайди, чунки жиноий жамоа иштирокчиларининг криминоген боғлиқлиги доимий ўзаро таъсир билан кучайтириб турилади, гуруҳ аъзоларидан бирининг жиноий муҳитдан четга чиқишига уриниши эса шафқатсизлик билан ўч олинишига сабаб бўлади.

Уюшган жиноятчилик кенг қамровлилиги билан ажралиб туради. Кўпинча бутун бошли худудларни, халқ хўжалиги тармоқларини ўз тўри

билан қамраб олиб, жинойтчиларнинг ҳуқуқ - тартибот идораларидаги айрим коррупцияга мойил ходимлари, порахўр, мансабини суистеъмол қилиш, катта миқдорда давлат ва жамоа мулкани ўзлаштириш, қонунга ҳилоф контрабанда-валюта операциялари ёрдамида жамият тараққиётига ғов солади.

2.Жиноий гуруҳлар типологияси.

? Жиноий гуруҳ деганда кимларни тушунамиз?

Жиноий ҳамжамият аъзоси бўлиб қолгач, кўпчилик жамоатчилар фаоллашиб кетади, чунки уларнинг фаолияти гуруҳ «обрў-эътибори» билан қувватланиб турилади. Уюшган жинойтчиликни фақат унгагина хос учта белгилар характерлаб берилади:

1. Барқарор ташкилий тизим узоқ муддат давомида мунтазам жиноий фаолият билан шуғулланишини кўзда тутиб ташкил қилинади, жиноий ҳамжамият аъзолари ўртасида мавқе зинапоялари амал қилади, унга кўра «қуйи» мавқедаги шахс юқорироқ мавқени эгаллаганга сўзсиз бўйсунди, роллар ва фаолият чегаралари қатъий тақсимлаб қўйилади, ўзига хос «меҳнат тақсимоти» ихтисослашуви ҳукм суради, штат рўйхатига монанд тарзда «амаллар» белгилаб қўйилади - қўрбоши (баъзан бир неча гуруҳларнинг қўрбошилари) жиноий «касса» хазиначиси, алоқачилар, қора ишни бажарадиган жангарилар, «раҳбар»га - қўрбошига сўзсиз итоат этадилар. Айрим жиноий тўдалар ўз разведкалари ва контраразведкаларини, баъзан эса ҳатто ўз судларини тузадилар.

Жиноий гуруҳ аъзолари бир-бирига ипсиз боғланган, «қондош», шу жумладан қурбонларнинг тўкилган қони эвазига «қондош» бўлиб қоладилар. Кўпчилик жиноий гуруҳ аъзолари «қасам» ичадилар, ҳар қандай шароитда ҳам «шериклари» ва содир этган жинойтларини сир сақлашга сўз берадилар. Бу уларнинг «ахлоқ кодекси» дир.

2. Жиноий гуруҳ гарчи сурбетлиги ва мураккаб тайёргарлигига кўра пишиқ-пухта фақат битта жинойтни (масалан банкни ўмариш) содир этиш

учунгина эмас, балки узоқ муддат, баъзан йиллар мобайнида жиноий фаолият билан шуғулланиш мақсадида таркиб топади.

3. Уюшган жиноятчиликнинг учинчи белгиси –коррупциядир, бошқача қилиб айтганда, жиноий элементларнинг давлат аппарати ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари билан чатишиб кетишларидан иборатдир.

3.Жиноятчи гуруҳларнинг жиноий ҳаракатларининг психологияси.

? Биз кимларни жиноятчи гуруҳларга қўшамиз?

Жиноятчи гуруҳларнинг жиноий ҳаракатларини таҳлил қилганда куйидаги омилларга эътибор бериш керак:

1. Ушбу гуруҳга уюшиш сабаблари:
 - «бирлашмасдан» жиноят содир этишнинг имконияти йўқлиги;
 - жиноий мақсадларнинг уйғунлиги;
 - шахсий бир-бирини ёқтириш;
 - хулқ-атворнинг, эътиқодларнинг монандлиги, ҳуқуқий ондаги умумий норасолик.
2. Жиноий гуруҳда ролларнинг тақсимланиши:
 - ирода сифатлари;
 - ташкилотчилик қобилиятлари;
 - етакчиларнинг обрўси ва ташаббуси;
 - иккинчи даражали аъзоларнинг иродасизлиги, мослашувчанлиги, ичкиликка ружу қўйиш.
3. Гуруҳ ичидаги тўқнашувлар ва зиддиятлар.

Уюшган жиноий тизимлар зулукдек жамият қонини сўради. Яширин иқтисод уларнинг молиявий асосидир.

4. Шахс ва гуруҳнинг криминал йўналганликларининг ижтимоий - психологик тавсифи.

? Криминал йўналганлик нима?

Жиноятчиликнинг туб ўзаги ғараздан иборат мотивдир (контрабанда, сохта пул ясаш, валюта операциялари қонунларининг бузилиши каби). Давлат ва хизмат сирларини сотиш, қотиллик ва қийнаш, қурол ва ўқ-дори билан қонунга хилоф операциялар каби жиноятлар учун ғаразли мотивлашув характерлидир. Шантаж қилиб тўлов ундириш мақсадини кўзлаган жиноятчиликнинг яна бир тури «кинднэппин» (одамларни, кўпчилик ҳолларда болаларни ўғирлаш) ҳам томир отди.

Уюшган жиноий гуруҳларнинг манбаларидан бири (айниқса рэкэт жиноятида) спортчилар бўлиб қоляпти. Зўравонлигининг интенсивлиги жиҳатидан рэкэт уюшган жиноятчиликнинг энг тажовузкор турларидан бири бўлиб ҳисобланади. Кўп ҳолларда у жисмоний зўрлик ишлатиш, азоблаш, қийнаш, кимнидир гаровга олиш, мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш, босқинчилик кўринишларида намоён бўлади.

«Омади чопган» жиноий ҳамжамият аъзоларида жазонинг муқаррар эмаслиги, корпоратив бирдамлик, ҳимояланганлик туйғуларини шакллантиради. Бироқ жиноий гуруҳлардан бирини фoш этишга оид муваффақиятли ўтказилган тергов бошқа гуруҳлардаги жиноятчиликларда фoш этилишдан кўрқувни уйғотади, ўзини асраш ҳиссини кўзғатади. Тергов муваффақиятли ўтказилиши учун жиноий ҳамжамиятнинг психологик таҳлилини, унинг тузилишини, барча аъзоларини, «лавозим зинапоясидаги» мавқеини, ҳар бирининг шахсий хусусиятларини ўрганиш ва аниқлашдан бошламоқ зарур.

Назорат саволлари:

1. Гуруҳ ичидаги тўқнашувлар ва зиддиятлар қаердан келиб чиқади?
2. Жиноятчи гуруҳлар қайси омилларнинг таъсиридан таркиб топади?
3. Уюшган жиноятчилик деганда қайси гуруҳни тушунамиз?
4. Коррупция нима?

7-МАВЗУ: ТУРЛИ ТОИФАДАГИ ҚОНУНБУЗАРЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

? Қонунбузарликнинг олдини олиш мумкинми?

Режа:

1. Балоғат ёшидаги қонунбузарларнинг психологик хусусиятлари.
2. Балоғат ёшига тегишли бўлган тергов ишларининг психологик хусусиятлари.
3. Ичкиликбозлик, алкоголизм, наркомания сабабларининг психологик тавсифи ва уларнинг психопрофилактикаси.

Таянч тушунчалар:

Тарбияси оғир ўсмирлар – ота-оналарнинг бола тарбиясига беэтиборликлари туфайли тарбияси бузилган балоғат ёшидагилар.

Алкоголизм - алкоголь ичимликларини ҳаддан ташқари истеъмол қилиш оқибатида келиб чиқадиган касаллик.

Наркомания – гиёҳвандлик, наркотик моддалар билан шуғулланиш.

1.Балоғат ёшидаги қонунбузарларнинг психологик хусусиятлари

? Балоғат ёши неча ёшдан бошланади?

Хулқ-атвори оғир ўсмирларнинг шахси шаклланишига кўпчилик ҳолларда оилавий шарт-шароитлар, ота-онанинг ёки қариндошларнинг ичкиликбозлиги, уларнинг ахлоққа зид хулқ-атворлари салбий таъсир ўтказади.Тарбияси оғир ўсмирлар учун одатда ўқишга умум эътироф этганига нисбатан зид муносабат хос бўлиб, охир-оқибатда бу уни синфига, мактабга, билим юрти жамоасига қарама-қарши қилиб қўяди. Аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарлар ўсмирлар – ички салбий муносабатлар натижасида мактаб жамоасида ўз ўрнини топа олмаган ўқувчилар бўлиб чиқади.

Ўсмирлик (11-15 ёш) даври, асосан биологик жиҳатдан ўткинчи босқич

бўлиб ҳисобланади. Ижтимоий нуқтаи назардан ўсмирлик илк ижтимоийлашув даврини билдиради. Бироқ ўсмирлик болалик даврига нисбатан зиддиятлилиги билан фарқланиб туради.

Навқиронлик (14-18 ёш) гўё болалик билан етуклик ўртасидаги учинчи бир дунё. Ёшлик дастлабки ижтимоийлашувнинг якуний палласи ҳамдир. Ёшликнинг ижтимоий даража ва мавқеига нисбатан оралик ҳолати ёшлар психикасида ўзига хос акс этади.

Тенгдошлари билан доимий мулоқотга эҳтиёжнинг кучайиши, ўзлигини тасдиқлашга интилиш, тенгдошларининг ўзи ҳақидаги фикр мулоҳазаларига таъсирчанлик - ўсмирлик даврига хос хусусиятлардир. Номакбул оилавий шарт - шароитлар тарбияси оғир ўсмир шахсининг шаклланишидаги энг асосий омил бўлиб ҳисобланади. Ота - оналарнинг жанжаллари, ўсмирларнинг жисмоний жазоланиб турилиши, табиий равишда тормозлашув меъёрлари бузилишига, қизиққонлик, ўта қўзғалувчанлик, ўзини қўлга ола билмаслик каби иллатларнинг туғилишига сабаб бўлади.

Вояга етмаган ўсмирлар учун гуруҳга уюшиб ҳуқуқбузарлик қилиш хосдир, чунки айрим жиноятларни ёлғиз ўсмир уддалай олмайди. Вояга етмаганларнинг жиноий хулқ-атворлари таҳлили мобайнида 4 тоифадаги ҳуқуқбузарлик омиллари аниқланган бўлиб, уларнинг ижтимоий хавфли кўринишлари қуйидагичадир:

1. Тасодифий, шахсининг умумий йўналтирилганига зид келади.
2. Шахсий йўналтирилганликнинг беқарорлиги эҳтимоли мавжуд, сабаб ва вазият тақозосига монандлашади.
3. Шахсининг салбий йўналтирилгани натижасида вақтини ўтказадиган муҳит, пайт ва хатти-ҳаракатларини бевосита турларини танлаш, жиноий хулқ - атвордан ибрат олиш билан боғлиқ.
4. Шахсининг жиноий кўрсатмаси мавжуд бўлиб, фаол изланиш сабаб ва вазиятни ташкил қилиш, жиноий фаолиятни амалга ошириш, амалдаги ижтимоий нормаларга барқарор тарзда зид баҳо ва муносабатда бўлишга олиб келади.

2.Балоғат ёшига тегишли бўлган тергов ишларининг психологик хусусиятлари.

Дастлабки терговда вояга етмаган ҳуқуқбузарнинг шахси қуйидаги режа бўйича ўрганилади:

1. Наслий - биологик омиллар: ота - оналардан бирининг асаб ва касалликларга мойиллиги, ҳомиладорлик патологияси, ичкиликбозлик, наркотик моддалар истеъмол қилишнинг салбий таъсири кабилар.
2. Ўсмирнинг энг яқин ижтимоий муҳити: оила, ота - оналарнинг, ака - ука, опа - сингиллар ижтимоий - иқтисодий мавқелари, оиладаги ўзаро муносабатлар, ўсмирларни тарбиялаш хусусиятлари, ўқишга муносабат, ўқитувчиларга муносабат, дўстлар гуруҳида ўсмирнинг мавқеи.
3. Ўсмирнинг шахсий таъриф-таснифи: характери ва темпераментининг хусусиятлари, қадрият-мотивация мажмуи, ўсмирнинг қандай қадриятларга йўналтирилгани, даъволарнинг даражаси, ўз-ўзини баҳолаши ва ўз-ўзини баҳолашдаги мурасасозлик эҳтимоллари, касб-корга муносабати – ижтимоий танлов, ўсмир қадриятлари доирасида касб тутган ўрни, келажакдаги ҳуқуқий онги.
4. Ўсмирнинг ҳуқуқий онги. Вояга етмаган гумондор ёки айбланувчининг турмуши ва тарбиявий шароитларини билиб олиш учун бошқа соҳаларни: оиласи, иш ёки ўқиш жойини ҳам ўрганиш лозим.

Вояга етмаганни сўроқ қилишга пухта тайёргарлик кўриш лозим. Бундай сўроқнинг бир неча босқичлари мавжуд: жумладан, сўроқнинг дастлабки босқичида терговчи вояга етмагандан унинг анкета маълумотларини оғзаки билиб олади, бу ўринда терговчи сўроқ қилинаётган шахсни тўғри чамалай билиши муҳимдир. Сўроқ қилувчи ва сўроқ қилинувчининг психик алоқага киришиши сўроқ иккинчи босқичининг моҳиятини ташкил этади. Бу босқичда суҳбатнинг мавзуи иш мазмунига у қадар алоқадор бўлмаган гаплар, вояга етмаганнинг таржимаи ҳоли, ўқиши, қизиқишлари кабиларни қамраб олади. Сўроқнинг бош қисмида терговчи жиноий иш бўйича асосий маълумотларни олиши лозим. Одатда пухта

ўйлаб уюштирилган суҳбатда терговчи сўроқда олган маълумотни ёзиб чиқади ва ёзма нусхасини сўроқ қилинаётганда кўрсатади, у ёзилган гапларнинг аслига тўғрилигини тасдиқлаб имзолаб беради.

? Сўроқ қилиш қандай амалга оширилади?

Баённомада (протокол) вояга етмаганнинг нутқига хос хусусиятларни сақлаб қолиш муҳим аҳамиятга эга. Сўроқда аниқланган вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар (шафқатсизлик, тажовузкорлик, меҳрибонлик, ростгўйлик, ёлғончилик) шубҳасиз, терговчи сўроқнинг тўғри тактикасини танлашга ёрдам беради. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар ичида гуруҳ ҳамда такрор эпизодлар ижтимоий хавфлилиги билан алоҳида ажралиб туради. Вояга етмаганлар ҳар хил сабабларга кўра бундай гуруҳларнинг ташкилотчиларини сир сақлашга, ҳамма айбни ўз гарданларига олишга уринадилар. Одатда вояга етмаганлардан иборат жиноий, маъмурий жавобгарликка тортилган, тажрибали, бошқаларга нисбатан жисмоний бақувват балоғат ёшидаги шахслар уюштирадилар. Шунинг учун терговчи содир этилган жиноятдаги «етакчи»нинг ролини фoш этувчи далилларни топмоғи, унинг «қаҳрамон» қиёфасини пучга чиқарувчи, асл қиёфасини кўрсатувчи фактларни ҳам қўлга киритмоғи лозим.

Сўроқнинг муваффақияти натижаси сўроқ қилинадиган жойни, шарт-шароитни танлашга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Сўроқ қилинаётганга «кадрдонларча» муносабатга, уни кўрқитадиган шарт-шароитларга йўл қўйиб бўлмайди.

3. Ичкиликбозлик, алкоголизм, наркомания сабабларининг психологик тавсифи ва уларнинг психопрофилактикаси.

Ичкиликбозлик кишини ижтимоий муҳитидан келиб чиқади. Ичкиликни муттасил истеъмол қилишдан алкоголизм касаллиги келиб чиқади. Алкоголни кўп истеъмол қиладиган кишиларда ирода сустлашади, фикрлаш доираси тораяди, хотираси пасаяди, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга

бефарқ бўлиб қолади.

Тамаки, кофе ва алкоголь – жамиятда энг кўп истеъмол қилинадиган психотроп воситалардир. Бироқ яширин равишда наша, марихуана, кокаин хатто героин ва триметилфентанин каби воситаларни истеъмол қилиш ҳам ортиб борапти. Бу наркотик воситалар бош миёга фаол таъсир ўтказди, сенсор сигналлар оқимини тезлатади, уларнинг мазмунини ўзгартиради, асабнинг баъзи марказлари ва вазифасини бажаришга халақит беради.

Наркотикни узлуксиз истеъмол қилиш кўникмага айланиши мумкин. Токсикомания эса доимий ёки айрим вақтларда заҳарланиш билан боғлиқ, унинг инсон организмга таъсири кучли. Наркотик моддаларсиз инсон жисми чидамайдиган бўлиб қолганида нейромадиаторларнинг функцияси шунчалик ўзгарадики, организм наркотикларсиз яшолмайдиган даражага етади ва уларни қабул қилиш бирданига тўхтатилса астениция синдроми юз беради, баъзан бу ўлим билан якунланади. Психикага таъсир этувчи айрим моддаларни истеъмол қилавериш толерантликнинг кучайишига сабаб бўлади, ўзгача қилиб айтганда организм уларнинг таъсирига тобора мослашиб бораверади ва кутилган натижага эришиш учун тобора кўпроқ наркотик модда талаб қилади.

Наркотикнинг яна бир хусусияти шундаки, у бир кўзгатувчи воситадир. У аввалги асабийликни (стресс) енгишга ёрдам беради. Аммо унинг таъсири 10-15 дақиқага етади холос. Амфетамин ва кокаинлар –бир неча баробар кучли кўзгатувчи воситалардир. Улар ҳаяжонланиш ҳолатларини жуда кучайтириб юборади, бунинг оқибатида тана ҳолдан толади.

? Наркомания қардан келиб чиқади?

Нейродепрессантлар кўзгатувчи моддаларга нисбатан тескари таъсир кўрсатади. Улар миёнинг нафас олиш марказини ҳолдан тойдириб, миёга кислород келишини камайтиради ва унинг фаолиятига таъсир қилади. Бу эса нутқнинг мазмунига путур етказди, фикрлаш аниқлиги йўқолади ва ниҳоят

хушёрлик ҳамма диққатни таъминловчи ретикуляр формациядаги механизмлар тормозланишини кучайтириб юборади. Алкоголь нейродеперсантларнинг бир туридир. Морфин ҳам кодеин каби оғунинг таркибий моддаларидан бири бўлиб, тиббиётда оғрикни сездирмайдиган восита сифатида фойдаланилади. Морфин героиндан тайёрланади. Қон томирига укол қилиб берилган морфин ўн сонияча вақтда ўткир ва чуқур хузур-ҳаловат ҳиссини уйғотади, кейин бу ҳолат хотиржамлик ҳисси билан алмашади. Бироқ бу модда уч ҳафта ичида ўзига жисмоний эҳтиёжни туғдиради. Кўкнори ҳам наркотик ўсимликлардандир. Ундан олинадиган наша ва марихуанани трубкalar ёки сигареталарга жойлаб чекиш кенг тарқалган. Шуни айтиш лозимки, кўпчилик халқларда психотаъсирчан моддаларни истеъмол қилиш одатга айланиб қолган. Бизнинг жамиятда эса фақат алкоголь ва тамаки истеъмоли учун рухсат берилган. Бошқа моддалар таъқиқлаб қўйилган.

Ичкиликбозлик, наркоманияларнинг асли сабаби оилавий шароитлардан келиб чиқади. Жумладан, эр-хотиннинг бир-бирини тушунмаслик, оналар билан фарзандлар муносабатларининг бузилиши, ишончнинг йўқолиши, атрофдагиларнинг бефарқлиги, масъулиятнинг йўқолиши кабилардир. Демак, биз оилада, жамоамизда атрофдаги кишиларга, фарзандларимизга доимо ғамхўр бўлишимиз лозим. «Бир болага етти маҳалла ота - она» деган ақидага риоя қилишимиз ёшларимизни соғлом, теран фикрлайдиган комил инсон бўлиб етишишларига катта ёрдам беради. Шунда ҳар қандай жиноятчиликнинг олдини олган, психопрофилактика олиб борган бўламиз.

Назорат саволлари:

1. Ичкиликбозлик қаердан келиб чиқади?
2. Алкоголизм билан гиёҳвандлик қандай боғлиқлиги бор?
3. Психотроп воситаларга нималар киради?
4. Ўсмирлар нима учун наркотик моддаларни истеъмол қиладилар?
5. Психотроп воситаларнинг жиноятга қандай алоқаси бор?

8-МАВЗУ: ТИНТУВ ҚИЛИШ ВА ВОҚЕА СОДИР ЭТИЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ ПСИХОЛОГИЯСИ

Режа:

1. Тинтув ўтказишнинг психологик хусусиятлари.
2. Тинтув ҳолатида терговчининг касбий фазилатлари.
3. Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш психологияси

Таянч тушунчалар:

Тинтув қилиш психологияси – жиноятни очиш учун олиб бориладиган фаолият

Тергов интуицияси – маълумотлар қарийб йўқ бўлган пайтда вазифани тез ҳал этишга оид тажрибалардан орттирилган ақл-идрок қобилияти

Кўздан кечириш – алоҳида тергов ҳаракати бўлиб, жиноят изларини аниқлаб топишга қаратилган тадбир

Супервизор - нишонга олувчи

1.Тинтув ўтказишнинг психологик хусусиятлари

? Жиноятни очиш учун тинтувнинг қандай аҳамияти бор?

Тинтув пайтида маълумот олишнинг асосий усулларида бири кузатиш ва унинг натижаларини дарҳол таҳлил қилиш бўлиб ҳисобланади. Айниқса тинтув қилинаётган шахс ҳулқ - атвори жуда кўп нарсаларни айтиб бериши мумкин. Бундан кузатишдан имкони борица тўлароқ ва ҳаққонийроқ натижага эришиш учун бевосита тинтув вазиятида тинтув қилинаётган шахс ҳулқ - атворининг психологик қонуниятларидан ҳар томонлама бохабар бўлиш зарур.

Нарса ва объектларни кўздан кечириш билан бирга уй ҳайвонлари ва кушларга эътибор бериш ҳам муайян натижа бериши мумкин, баъзан уларнинг безовталаниши яширинган одам ёки яширинган нарсаларнинг жойини кўрсатиб беради. Уй ҳайвонларининг кўпчилиги мурда билан ёнма-

ён турганларида қаттиқ безовталанадилар, итлар бегона одам бўлса, хуркий бошлайди ва ҳ.к.

Тинтув пайтида нишонга олувчининг (супервизор) иштироки мақсадга мувофиқ бўлади, у изқуварнинг камчилигини тузатиши, сездирмай кимга эътибор бериш зарурлигини кўрсатиши (яшиқни суриш, эшикчани очиш) мумкин. Тинтув ўтказётган ходимлар жинойтчилар турли яширин жойларни ҳозирлаётганларида бир қатор психологик омилларни ҳам эътиборга олишларини назардан соқит қилмасликлари керак.:

1. Чарчоқ ва автоматизм туфайли диққатнинг сусайишини ҳисобга олиш. Шунинг эътиборга олиб, қидирилаётган ҳужжатни кўпинча китоб жавонининг ўртасидаги китобнинг ичига солиб қўядилар.
2. Жирканишга умид боғлаш (гўнг орасига ёки хожатхона тагига кўмиб қўядилар).
3. Терговчи томонидан одамгарчилик ва бошқа инсоний туйғуларнинг намоён бўлишини ҳисобга олиш (далилий ашё бўлиши мумкин бўлган нарсани оғир ётган тўшак остига, чақалоқнинг каравотига, яқин қариндошларининг қабрига яшириш).
4. Предметни атайлаб кўзга ташланиб турадиган жойга ташлаб қўйиш.
5. Иккита бир хилда яширин туйнук яшаш, бунда жинойтчилар битта бўш туйнукни топишганидан кейин шунақа туйнукни ахтариб кўрмайдилар, деб ҳисоблайдилар.
6. Тинтув пайтида можаро кўзгаш ва можаро пайтида қидирилаётган нарсани яширишга улгуришдай ҳийлани ҳам қўллаш мумкин.

Юқоридаги шартларга риоя этган барча маълумотларни таҳлил қилганда терговчи тинтув вазифасининг биринчи босқичини тўғри ҳал қилади.

2. Тинтув ҳолатида терговчининг касбий фазилатлари.

? Терговчида жинойтни очииш учун қандай фазилатлар шаклланган бўлиши керак?

Тинтув ўтказиш терговчидан турли-туман психологик хислатлар, хусусиятлар, профессионал билим, қобилият ва малакани талаб қилади. Тинтув ўтказишга тайёргарлик мобайнида терговчи қуйидаги саволларга жавоб топиши талаб қилинади:

1. Нимани қидириш керак, қидирилаётган предметларнинг шакл-шамойили қандай?
2. Тинтув қилинажак объектнинг тузилиши: майдони, қандай режа билан қурилгани, хона, эшик, деразаларнинг сони, мебеллар ва уларнинг жойлашиши кабилар.
3. Тинтув пайтида гумонланувчидан бошқа яна ким бўлиши мумкин?
4. Тинтув қилинажак объектнинг табиий ва сунъий ёритилиши қандай?
5. Объектда телефон ёки бошқа алоқа воситалари (рация, қўнғирок, селектор) борми?
6. Қидирилаётган предметлар қаерда бўлиши мумкин?
7. Тинтувни ким ўтказади? Улар қандай техника воситаларини олишлари керак?
8. Тинтувни қай пайтда ўтказиш муҳим?
9. Тинтув пайтида тинтув бўлинмаси билан қандай алоқа қилиш мумкин?

? Нима учун тинтув ўтказилади?

Терговчи тинтув вақтида ташкилий ишларни уюштиради. Унинг муҳим вазифаси тинтув жараёнида тинтув ўтказётган шахс билан оғзаки муомала (контакт) ўрнатишдан иборат. Тинтув пайтида тинтув қилинаётган шахсни имкони борича кўпроқ суҳбатига тортиш, у ёки бу предметларнинг

зарурати ҳақида саволлар билан суҳбатга тортиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг сўзлари ички ҳолатини, терговчининг айрим ҳаракатларига муносабатини сездириб қўяди. Сўз оҳанги, гапириш услуби – бошқа таассуротга нисбатан кишининг ҳақиқий кечинмалари, муносабати тўғрисида кўпроқ маълумотларни бериши мумкин.

Терговчи тинтув мобайнида ахлоқий - этик нормалар доирасидан чиқмаслиги, бошидан охиригача хушмуомалалик билан иш қўриши, қўполлик, ҳақорат, қўрқитиш кабиларга йўл қўймаслиги зарур. У уйи тинтув қилинаётган шахсга нисбатан нафрат, ғазаб, жирканиш ҳисларини яшира ошили, ўзини тута билиши, оиланинг бошқа аъзоларининг иззат-нафсига тегмаслиги керак, яъни терговчи одоб доирасида ишлаши лозим.

Тинтув ўтказилаётганда айбланаётган шахснинг маълумоти, маданияти, касби, билимлари, ақл-идрок қобилиятларини эътиборга олиш муҳимдир. Тинтув жойида қатъий интизом ўрнатилиши, асосий ишдан чалғитувчи ортиқча гап-сўзлар, хонама-хона юришлар тақиқланиши зарур.

? Тинтув ва ҳибсга олишнинг қандай ўхшашлик томонлари бор?

Тинтув ва ҳибсга олишнинг ўхшашлиги шундаки, ҳар иккала ҳолда ҳам гумонланувчининг шахси ўрганилади, шароит таҳлил қилинади. Шунинг учун таърифланган керакки, гумонланувчи ижобий хислатлар билан таърифланган бўлсада, у қаршилик, жумладан, қуролли қаршилик кўрсатиши эҳтимолини назардан соқит қилиб бўлмайди. Қаршилик кўпроқ ҳибсга олаётганда учрайди, айниқса рецидивистларни қўлга олишда. Ҳибсга олишда шовмаслик керак, чунки гумонланувчи ўзини тута олмаслиги, аффект ҳолатига тушиб қолиши мумкин. Жиноятчини таслим бўлишга кўндириш психологик таъсирнинг самарали воситасидир. Бундай пайтларда терговчида шундай қобилият бўлиши керакки, у жиноятчининг психологик хусусиятларини яхши билиши, улардан оқилона фойдалана олиши лозим.

Музокарада унинг кўнглига яқин, фикрлари билан ҳисоблашадиган кишиларни: унинг ота-онаси, фарзандлари, қариндошлари, дўстларини таклиф қилиш мақсадга мувофиқдир.

3. Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш психологияси

? Нима учун воқеа жойи кўздан кечирилади?

Кўздан кечириш – алоҳида тергов ҳаракати бўлиб, жиноят изларини бошқа далилий ашёларни излаб топиш, воқеа тафсилотини, ҳамда ушбу жиноий ишга алоқадор бошқа тафсилотларни аниқлашга қаратилган. Кўздан кечириш бошқа тергов ҳаракатларининг таркибий қисмидир. Воқеа жойини кўздан кечириш тергов ҳаракатларининг энг муҳим шarti бўлиб, ана шу пайтда олинадиган маълумотлар, таассуротларнинг ўрнини бошқа тергов ҳаракатлари ёрдамида тўлдириб бўлмайди. Масалан, жиноятчининг қўл ва оёқ излари, фойдаланган қуроллари муҳим далил бўлиб хизмат қилади. Воқеа жойини кўздан кечириш зудлик билан ўтказилиши керак. Чунки излар, далилий ашёлар ғойиб бўлиши, ҳодисага гувоҳ бўлганлар воқеанинг тафсилотини баён этишда унутиб қўйишлари мумкин.

Кўздан кечириш мобайнида, маълумотларнинг танқислиги шароитида қийин масалаларни фикран ҳал этишга тўғри келади, терговчи бундай вазиятда қўлга киритилган фактлар, айрим тафсилотларга таянади, ўз билимлари, профессионал ва ҳаётий тажрибасидан кўпинча ҳиссий (интуитив) эҳтимол ва тахминлар даражасида фойдаланади.

? Интуиция деганда нимани тушунаси?

Тергов интуицияси – маълумотлар қарийб йўқ бўлган бир вазиятда ижодий вазифани тез, бевосита ҳал этишга оид тажриба ва билимлардан орттирилган ақл - идрок қобилиятдир. Тахминнинг текшириб кўрилиши жараёнида дастлабки версия пуч бўлиб чиқиши мумкин. Бу психологик нуқтаи назардан икки оқибатни келтириб чиқаради. Аввало етишмаётган

маълумотларни қидиришга киришилади.

Воқеа содир этилган жойни кўздан кечириш фақат жиноий тафсилотлар ҳақида маълумотлар олишгина эмас, балки жиноятчи шахсининг хусусиятларини (жисмоний, биологик, психологик) билиб олиш имконини беради. Воқеа жойида жиноятчининг ёши, жиноятчиларнинг касб - кори, профессионал малакаси, билим ва кўникмалари кўзгудагидек акс этади. (масалан, монтер сигнализацияни ўчириб қўйишга, слесар сейфни бузишга уста) Воқеа жойини кўздан кечириш жараёнида ўтказиладиган психологик таҳлил содир этилган жиноят мотиви хусусида хулоса чиқариш имконини туғдиради. Жиноят характер чизгилари –очкўзлик, шафқатсизлик; иродавий хусусиятлар – жангарилик, қўрқоқлик кабилар акс этиши мумкин.

Воқеа жойидаги тафсилотлар баъзан субъект томонидан жиноят содир этилаётган пайтдаги унинг айрим психологик ҳиссий - эмоционал ҳолатини ҳам акс эттира олади.

Назорат саволлари:

1. Воқеа жойини кўздан кечириш қандай аҳамиятга эга?
2. Жиноятчини таслим бўлишга қандай кўндирилади?
3. Терговчи воқеа жойини кўздан кечиришни нимадан бошлаши керак?
4. Воқеа жойини кўздан кечиришда кимлар қатнашиши талаб этилади?
5. Интуиция қачон пайдо бўлади?

9-МАВЗУ: ЮЗЛАШТИРИШ ВА СЎРОҚ ҚИЛИШ, ҚЎЛГА УШЛАШ ПСИХОЛОГИЯСИ

Режа:

1. Юзлаштириш психологияси.
2. Гувоҳ ва жабрланувчиларни сўроқ қилиш психологияси.
3. Шубҳаланувчи ва айбланувчиларни сўроқ қилиш психологияси.

Таянч тушунчалар:

Юзлаштириш	- гувоҳларни юзма-юз ҳолатда сўроқ қилиш.
Гувоҳ	– жиноий хатти-ҳаракатларни ўз кўзи билан кўрган шахс.
Жабрланувчи	– жиноятчилар томонидан азият чеккан, таҳқирланган киши.
Шубҳаланувчи	– гумондор бўлиб, у терговчи томонидан кузатилади
Айбланувчи	– бирор бир жиноий хатти-ҳаракатни амалга оширган киши.

1. Юзлаштириш психологияси

? Терговда кимлар юзлаштирилади?

Юзлаштириш – муқаддам алоҳида - алоҳида сўроқ қилинган шахсларни уларнинг кўргазмаларидаги зиддиятлар, ноаниқликларни бартараф этиш мақсадида биргаликда сўроқ қилишдан иборат тергов ҳаракатидир. Ёлғон кўргазма бераётган шахсни фош этиш учун муайян тарзда таъсир кўрсатиш зарурияти туғилади, юзлаштиришнинг мақсади ҳам шунда, ҳақиқатни исботлашдир. Юзлаштиришда терговчининг роли жуда мураккаб ва муҳим аҳамиятга эга. У юзлаштиришни ўтказишга шундай тайёргарлик кўриши керакки, ҳақиқат ёлғон устидан тантана қилсин.

Юзлаштириш натижасида икки гуруҳ омиллар таъсирини ўтказди. Биринчисига, юзлаштирилаётган кишиларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, кўргазмаларидаги зиддиятларнинг сабабини аниқлаб берувчи омиллар киради. Иккинчидан, бундай

зиддиятларга юзлаштиришга келганлардан бирининг ёки иккаласининг кўргазмалари аввал-бошданок уйдирмалиги сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда терговчи уйдирма кўргазмаларнинг мотивини билмоғи зарур, улар эса хилма-хил бўлиши мумкин: жиноий жавобгарликдан қутулиб қолиш ёки енгилроқ жазо олишга интилиш, шерикларни айтиб қўйишни истамаслик, кариндошлик ҳислари, ўч олишларидан кўрқиш, пулга сотилиш, уят, сохта садоқат – туйғуси кабилар шу жумладандир.

? Юзлаштиришни қачон ўтказиш самаралидир?

Юзлаштиришни ўтказадиган вақтни танлашнинг аҳамияти катта. Уни ўтказишда шошқалоқлик қилмаслик, кечикмаслик муҳимдир. Юзлаштиришни ўтказишга тайёргарлик савияси алоҳида аҳамиятга эга. Тайёргарликни терговчининг ташкилий-техникавий, ҳамда барча қатнашчиларнинг психологик ҳозирлиги, деб тушунмоқ лозим. Терговчи юзлаштиришда виждон амри билан қатнашаётган шахснинг кўнглини хотиржам қилиши, жиноятчи томонидан хавф-хатар, хатти-ҳаракатларнинг содир этилмаслигига кафолат бериши керак. Юзлаштириш қатнашчиларини шартли равишда виждонан ҳамда виждонсизларча (ёлғон) кўргазма берувчи, деб олинади.

Тергов амалиётининг таҳлили шундан далолат берадики, юзлаштириш ёлғон кўргазма бераётган кимса учун кутилмаганда, тўсатдан ўтказилиши энг юқори самара беради. Юзлаштиришни ўтказишдан аввал терговчи барча материалларни (ҳисоб-китоб ҳужжатлари, суратлар, баённомалардан кўчирмалар, далилий ашёлар) тахт қилиб қўйиши керак. Юзлаштиришдан аввал терговчининг фикрлари тиниқ, кайфияти соз, тергов ҳаракатининг ижобий натижасига ишончи комил бўлиши лозим. Ҳар иккаласи ҳам бараварига ёлғон кўргазма бераётган икки жиноятчи ўртасида юзлаштиришни ўтказиш терговчи учун мураккаб бўлиб, катта масъулиятни талаб қилади.

Юзлаштириш ҳақиқатни атайлаб, қасддан бузиб кўрсатишга уринган, кўргазмалари уйдирмадан иборат шахсларга катта таъсир кучига эга. Юзлаштириш кўпинча уларнинг терговдаги хулқ-атворини кескин ўзгартириб юборадиган ҳал қилувчи босқич ролини ўтайди. Юзлаштириш одатда терговчининг хизмат хонасида ўтказилади. Сўроқ қилинаётганларни доимо терговчи кўз ўнгида бўладиган тарзда ўтказилиши даркор. Юзлаштиришнинг таъсир кучи яна шундаки, унда «кўзнинг кўзга тушиш самараси» яширинган. Юзлаштириш чоғида фақат терговчи қаршисида эмас, сўроқ қилинаётган танийдиган яна бир киши қаршисида кўргазма берилади.

2. Гувоҳ ва жабрланувчиларни сўроқ қилиш психологияси.

Жиноятни очишда гувоҳ ва жабрланувчиларни сўроқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Уларни сўроқ қилишга тайёргарликнинг психологик жиҳатлари қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топган:

- иш материаллари ва аниқлик киритилиши лозим бўлган масалалар таҳлили;
 - сўроқ қилинадиган шахсни чуқур, ҳар томонлама ўрганиш;
- сўроқни маваффақиятини таъминлайдиган зарур шароитларни яратиш;
- терговчининг хулқ-атвори, ўзини психологик жиҳатдан тайёрлаши.
 - сўроқ қилиш учун аввалдан пухта режа тузиб олинади, жумладан бериладиган саволларнинг тушунарли бўлиши, аниқлиги, мазмунлиги, тартиби белгилаб олинади. Сўроқдан аввал иш материалларини чуқур ўрганиш, ашёвий далилларни таҳлил қилиш зарур.

Сўроққа киришишдан аввал гувоҳлар ва жабрланувчилар шахсиятини ўрганиш талаб этилади. Расмий сўроқ олдидан терговчи кузатиш орқали гувоҳ ёки жабрланувчининг ташқи қиёфаси, маданияти нутқининг аломатлари, юз ифодаси, ҳайронлик, лоқайдлик, ҳаяжон, кўркув, хотиржамлик кабиларни аниқласа бу ишга ижобий таъсир этади. Гувоҳлар ва жабрланувчиларни чақиртириш вақти ва усули, тергов ҳаракати ўтказилаётган шароит ва жой алоҳида психологик аҳамиятга эга.

? Қандай ҳолларда сўроқни кечиктириш мумкин эмас?

Безорилик, босқинчилик, қиз иффатига тегиш каби жиноий ишларнинг терговида зудлик билан сўроқ қилиш билан бирга жиноятчини қидириб топиш ва ҳибсга олиш учун зарур маълумотлар жамланганидан кейин гувоҳлар ва жабрланувчиларни қайтадан батафсил сўроқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Психологик нуқтаи назардан гувоҳ ёки жабрланувчини сўроққа чақириш вақтини белгилаётиб, иш манфаатлари билан чақирилаётганларнинг имкониятлари ва манфаатларини уйғунлаштиришга интилиш лозим. Сўроқ жойини танлаётган пайтда ахлоқий-этикага оид мулоҳазаларни ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак. Ёши ўтиб қолган ёки бемор кишиларни терговчи ҳузурига чақиртириш тавсия этилмайди. Терговчининг ўзи уларни олдига бориши ва ўша жойнинг ўзида сўроқ қилиш керак.

Терговчининг ташқи кўриниши, хулқ-атвори, саришталиги, киришимлилиги, одамгарчилигидан далолат бериб, уст-боши, эътиборлилиги, хушмуомалалиги билан ҳамоҳанг равишда сўроқ қилинаётганда ишонч, муомалага ҳозирлик кайфиятини уйғотади. Сўроқнинг дастлабки кириш қисмида терговчи сўроқ қилинаётгандан асосан таржимаи ҳоли, яшаш ва ишлаш жойи каби маълумотларни олади. (анкета) Сўроқнинг иккинчи босқичи психологик муомала ўрнатишни тақозо этади, бунда сўроқ қилинаётганнинг ҳозиржавоблиги, ростмана кўргазма беришга шайлангани тушунилади. Терговчи гувоҳлар ва жабрланувчиларнинг кўргазмаларига ишонч билан муносабатда бўлиши керак. У томонидан қўполлик, истехзо, назар-писанд қилмаслик, ишончсизлик, шошқалоқлик, эътиборсизлик каби муомала кўринишларига йўл қўйиб бўлмайди.

Жиноий ишлар тергов қилинаётганда кўпинча гувоҳлар ва жабрланувчиларни тергов қилаётиб, улар айтиб бераётган воқеа содир бўлган аниқ вақтини тасдиқлаб олиш зарурияти туғилади. Ана шу мақсадда хронометраж усули ҳам қўлланилади. Гувоҳлар ва жабрланувчилар учун хотирасидан ўчмайдиган бирорта сана, воқеа эслатилади, кейин терговчи

ўша куни унинг яна нималар билан шуғуллангани, фаолиятининг мароми, муддатлари билан қизиқиб, шу орқали ўша кунни терговни қизиқтираётган дақиқаларгача вақт жадвалига солади. Сўроқ мобайнида сўроқ қилинаётган кишининг кечинмаларини аниқлаб олиш мақсадида уни диққат билан кузатиши лозим, негаки унинг ички кечинмалари ташқи қиёфасида, хулқ-атворида эшитган маълумотларни қандай қабул қилишда, нутқнинг хусусиятларида яққол кўзга ташланади. Масалан, жони халқумига келиши, нутқ тезлиги ва маромининг ўзгариши, тўхтамай гапириши, овозини баландлатиши, чала - чулпа сўзлаши кабилар каттиқ ҳаяжонланаётганлигидан далолат беради. Бундай психологик кечинмаларни қайд этиш сўроқ бераётган киши қай пайтда рост, қай пайтда ёлғон аралаштириб ёки бўрттириб гапираётганини аниқлаб олишга кўмаклашади.

3. Шубҳаланувчи ва айбланувчиларни сўроқ

қилиш психологияси.

Суд ҳукми билан айби тасдиқлангунича қадар гумондор (шубҳаланувчи) ва айбланувчи жинойтчи бўлиб ҳисобланмайди. Бирор бир жинойтда айбланаётган ёки гумонланаётган кимса жинойтчи бўлмаслиги мумкин. Гумондорга нисбатан айбланувчи одатда, жинойий иш ҳолати, тергов эга бўлган далил исботлар мазмунидан кўпроқ огоҳ бўлади. Бироқ дастлабки терговда гумондорда ҳам, айбланувчида ҳам ўхшаш психологик ҳолатлар, мотивлар, ҳаяжон, бунинг оқибатида ўзига хос хулқ - атвор кузатилади.

Айбланувчи хулқ - атворини озодликдан маҳрум бўлиш, одатий турмуш тарзидан айрилиб қолиши, жинойтчи маҳкумлар орасига тушиб қолишдан қўрқув ҳисси туғдирадиган кучли психологик тушкунлик натижасида шаклланадиган мотив ҳам идора қилиши мумкин. Бундай ҳиссиётлар биринчи марта жинойт содир этган кишиларга хосдир, улар жинойий жавобгарлик мазмунидан беҳабар бўлганликлари боис ўта тушкун кайфият гирдобидида қоладилар. Шунинг учун бундай шахсларга терговчи ҳақиқатни айтса жинойтига жазо бериш енгиллаши мумкинлигига

ишонтириши зарур.

Уюшган жиноий гуруҳ таркибида содир этилган жиноятда айбланаётган шахс шерикларига ҳар хил муносабатда бўлади. Ўзига ҳомийлик қилиб, қўллаб - қувватлаб турган шахсни яна ёрдам беришидан умидвор бўлиб, жиноятга тааллуқлигини яширишга уринади.

? Доминанта нима?

Шахснинг ҳуқ - атвори кўп жиҳатдан унга доминанта – ушбу дақиқада бош миянинг катта ярим шарлари қобиғидаги ҳар қандай таъсиротга ўта қўзғалувчан бўлган ҳамда бошқа асаб марказлари фаолиятига тормозлантирувчи таъсир кўрсата оладиган ҳукмрон қўзғалиш ўчоғининг таъсирига боғлиқ бўлади. Одамда доминанта ҳаётининг муайян даражадаги жиддий палласида юз берган воқеа учун қайқуриши, қаттиқ ҳаяжонланиши, кўрқув, умидсизлик ҳисларига берилиши туфайли туғилади. Доминанта таъсири остида жиноятчи гўё унинг хавфсизлигини таъминлайдиган, фош этилишидан сақлайдиган ҳамда кейинги жазодан асраб қоладиган хатти-шаракатларни содир этишга киришади. Унинг фаолияти ўзига хос ҳимояланиш тусини олади. Бироқ унинг айнан шундай ҳаракатлари терговчининг эътиборини тортади, уни содир этилган жиноятга алоқадор, деб тахмин қилишга асос бўлади. Бундай хатти-ҳаракатлар «ҳуқ - атвор далили» деб номланади.

Ҳуқ - автор далиллари турли хил куринишда бўлади. Улар орасида энг кўп учрайдиганлари: чалғитувчи сахналар тайёрлаш, ёлғон тасдиқ (алиби) яратиш ва кутилмаган жавоблар кабилардир. Амалиётда кўпинча айбланувчи ўзига бўхтон қилган ҳолатларда сохта мурасали вазиятлар туғилади. Агар айбланувчи ҳаддан ташқари таъсирланувчан, ташқи таъсиротларга берилувчан, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилишдан ожиз, иродасиз, руҳий ҳаяжонланишга бардошсизлиги билан ажралиб турса, ўзига тухмат қилиш эҳтимоли ортади. Бунинг энг тарқалган мотиви ҳақиқий

айбдорни кўргазма беришдан халос қилишга уринишдир. (яқин қариндошлик таъсирида)

Юридик психологиянинг фан сифатидаги вазифаси терговчиларнинг ижодий изланишлари самараларини назарий асослаб беришдан иборатдир.

Назорат саволлари:

1. Гувоҳларни юзлаштириш қачон амалга оширилади?
2. Шубҳаланувчи деб кимларни айтилади?
3. Жабрланувчи тергов ходимлари томонидан қандай ҳимояланади?
4. Кимлар гувоҳ бўла олади?
5. Сўроқ қилиш қачон самарали бўлади?

10-МАВЗУ: СУД - ПСИХОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИ

Режа:

1. Суд-психологик экспертизасининг ҳуқуқий асослари.
2. Экспертиза турлари ва уларнинг имкониятлари.
3. Суд-психологик экспертизасини ўтказиш услублари.
4. Психолог-экспертнинг касбий фазилатлари.
5. Суд-психологик экспертиза натижаларини таҳлил қилиш.

Таянч тушунчалар:

Суд - психологик экспертиза – жиноятни объектив баҳолаш учун

мутахассислар томонидан ўтказиладиган тадбир

Аффектив ҳолат	– кучли физиологик ва психологик қўзғалиш, шуурий
Суицид ҳолат	– ўз жонига қасд қилиш ҳолати
Стресс ҳолати	– кучли ҳаяжонланиш ҳолати
Ваҳима ҳолати	– кучли қўрқув, ироданинг кучсизланиши.

1. Суд-психологик экспертизасининг ҳуқуқий асослари.

? Нима учун суд - психологик экспертизаси ўтказилади?

Жиноятни очишда суд экспертизаларининг аҳамияти катта. Жумладан, суд - психологик экспертизаси ҳам жиноятларни очишга, жиноятчининг руҳиётини аниқлашга, адолатли жазо тайинлашда катта ёрдам беради. Суд-психологик экспертизаси қуйидаги ҳолатларда ўтказилади:

- Ўлимнинг сабаблари ва тан жароҳатларининг характерини аниқлаш мақсадида;
- Гумондор ёки айбланувчиларнинг жиноий иш қўзғатилган пайтда ўз хатти - ҳаракатлари учун жавоб бера олиш - олмаслиги ёки идора қила олиш - олмаслигига, шунингдек, энг асосийси руҳий соғломлигига шубҳа туғилганида, уларнинг психик ҳолатларини аниқлаш мақсадида;
- Гувоҳ ёки жабрланувчининг ишга алоқадор шарт - шароитларини тўғри идрок қилиш ҳамда кўргазма бериш қобилиятларига шубҳа туғилган кезларда уларнинг руҳий ва жисмоний соғломлигини аниқлаш учун;
- Иш учун аҳамиятли бўлган, лекин тегишли ҳужжатлар бўлмаган ҳолларда айбланувчи, гумондор ва жабрланувчининг неча ёшга кирганини аниқлаш учун экспертиза ўтказилиши шарт бўлиб ҳисобланади.

Қонунда экспертизаларни тегишли мутахассислар – шифокор, психолог, психиатрларни таклиф қилиб ўтказиш белгилаб қўйилган.

Кўпчилик ҳолларда экспертиза ўтказиш зарурати терговчининг ихтиёри билан ҳал этилади, бу масалани ҳал қилиш унинг ваколатига киради.

2. Экспертиза турлари ва уларнинг имкониятлари.

? Экспертизанинг қандай ижобий томонлари мавжуд?

Экспертизанинг қуйидаги турлари фарқланади:

- Суд - тиббий экспертизаси;
- Суд - психиатрия экспертизаси;
- Суд - психология экспертизаси;
- Комплекс экспертизалар.

Суд - тиббий экспертизаси жиноятнинг барча турларида ўтказилади. Жумладан, бахтсиз ҳодисалар, эҳтиётсизлик оқибатидан келиб чиқадиган жиноятлар, тасодифий ёки қасддан амалга ошириладиган жиноятлар келиб чиққанда суд - тиббий экспертизаси ўтказилади. Суд - тиббий экспертизаси орқали жабрланувчининг олган тан жароҳатлари, уларнинг даражаси, келиб чиқадиган оқибатлари аниқланади.

Суд - психиатрия экспертизаси ҳам барча турдаги жиноятлар келиб чиққанда ўтказилади. Бундай экспертиза орқали жиноятчи, жабрланувчиларнинг жисмоний соғломлиги, ақлий жиҳатдан ақли расолиги, кўргазма бериш учун ўз хатти - ҳаракатларини идора қила олиш-қилмаслиги, суд залида ўзини тўғри тута олиши, саволларга тўғри, адолатли жавоб бера олиши ёки олмаслиги аниқланади. Одатда суд - психиатрия экспертизаси суд - психологик экспертизасини ўтказишдан аввал олиб борилади ва гумондор, жиноятчи шахсига ҳатти - ҳаракатларига жавоб бера олиши ёки олмаслиги тўғрисида хулоса берилади.

Суд - психологик экспертизаси тергов жараёнида жиноятчининг жиноий ҳатти - ҳаракатлари аниқ бўлмаган ҳолларда, шунингдек, балоғат ёшидаги ўсмирлар жиноятга қўл урган пайтларида, катталарнинг балоғатга етмаган болаларга нисбатан мажбурлаш, номусига тегиш, ўз жонига қасд қилиш ҳолларида ўтказилади.

Суд - психологик экспертизасини ўтказишдан асосий мақсад жиноятчининг психологик хусусиятларини, жиноий ҳатти - ҳаракатлар қилаётган пайтидаги унинг руҳий ҳолатлари, жумладан, аффект (кучли кўзғалиш, шуурий ҳолати), стресс ҳолати (кучли ҳаяжонланиш), суицид (ўз жонига қасд қилиш) ҳолатларини аниқлаш ва жиноятчига тўғри психологик таъхис қўйиш, яъни унинг жиноий ҳатти - ҳаракатлар қилаётган вақтида онгсизлик ҳолатида бўлган ёки бўлмаганлигини аниқлашдир.

Комплекс экспертизаларнинг мазмуни шундан иборатки, бундай экспертизаларни ўтказишда турли мутахассислар жалб қилинади. Жумладан, психолог, шифокор, психиатр, технолог, педагог кабиларнинг фикрлари жамланади. Комплекс экспертизалар муаммолар жуда мураккаб бўлганда ўтказилади.

3. Суд - психологик экспертизасини ўтказиш услублари.

? Экспертизалар қандай шароитда таъхил этилади?

Суд - психологик экспертизасини ўтказиш зарурати аввало терговчининг ихтиёри билан ҳал этилади, яъни бу масалани ҳал қилиш унинг ваколатига киради. Суд – психологик экспертизасини тайинлаш, уни ўтказиш пайтида терговчи ва эксперт ўртасидаги психологик муносабатлар сезиларли роль ўйнайди. Уларнинг муносабатлари ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик ва ишонч асосига қурилмоғи лозим. Агар давлат экспертизаси муассасаси ҳудудида экспертиза ўтказишнинг имкони бўлмаса, терговчининг ўзи ана шундай муассаса ва экспертни (мутахассисни) қидириб топади. Бундай муассаса ва экспертни танлашда уларнинг савияси, ҳолислиги, иш натижасидан манфаатдор эмаслиги ҳал қилувчи шартлар бўлиб ҳисобланади.

Экспертга бирор бир тарзда психологик таъхик ўтказилишига йўл қўйиб бўлмайди. Тергов амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, экспертга терговчи ўз нуқтаи назарини ўтказиш, хизмат лавозимидан фойдаланиб, психологик таъхик ўтказиш, экспертиза тадқиқотлари муддатини

қисқартиришни кўзлаб, соддароқ методлар турини қўллашни талаб қилиш экспертизага терговчи тазйиқининг йўллари бўлиши мумкин. Шунинг учун психолог - эксперт ёки мутахассис - психолог ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда қонун асосида иш кўриши мақсадга мувофиқдир.

Суд – психологик экспертизасини тайинланиши, унинг натижалари айбланувчига кучли психологик таъсир кўрсатади. Натижада у аксар ҳолларда ростмана кўргазма бера бошлайди.

Тергов амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, шахснинг ҳаёти, соғлиги, эрки, шаънига нисбатан мулкка, жамоат тартибига, хавфсизлигига, аҳоли соғлигига қарши, вояга етмаганлар содир этган жиноятлар бўйича суд – психологик экспертизасини тайинлаш зарурияти кўпроқ туғилади.

Шунингдек, терговчида гувоҳ, жабрланувчи ёки айбланувчи муайян шароитларни тўғри идрок қила олиши ва кўргазма бера олишига шубҳа туғилган кезларда ҳам суд – психологик экспертизасини тайинланади.

Суд – психологик экспертизасини ўтказишда психолог қуйидаги босқичларда иш олиб боради:

- жиноий ишни очиш учун тўпланган барча иш ҳужжатлари билан батафсил танишиб чиқади;
- жиноятчи, гумонланувчи, жабрланувчилар билан индивидуал суҳбатлар олиб боради;
- улар устида психологик тест ўтказади;
- тест натижалари ва суҳбат, кузатиш услублари орқали жиноий ҳатти - ҳаракатларни психологик жиҳатдан таҳлил қилади;
- экспертиза натижаларига асосланган ҳолда психологик экспертиза хулосасини тайёрлайди ва терговчига тақдим этади;
- тайёрлаган хулосаси асосида агар суд жараёнида гувоҳлик берилиши талаб қилинса судда қатнашади.

4. Психолог - экспертнинг касбий фазилатлари.

? Психолог - экспертда қандай фазилатлар

бўлиши керак?

Суд – психологик экспертизасининг предмети айбланувчи, судланувчи, гувоҳлар ва жабрланувчиларнинг кўргазмалари ҳаққонийлигини тасдиқлаш эмас, балки сўроқ қилинаётган шахснинг ўзига хос хусусиятларига кўра исботланиши зарур фактларни идрок қилиш, хотирасида сақлаш ҳамда баён эта олиш қобилияти бошидан кечираётган руҳий жараёнларга айнан мувофиқлигини аниқлашдан иборатдир.

Кўпинча вояга етмаган шахс психологик экспертиза объектига айланади. Психологиянинг ёрдамсиз терговчи ёки суд вояга етмаган шахс ёки ўсмирнинг жиноий-ҳукуқий аҳамият касб этувчи фаолиятига ёшига хос аломатларнинг нечоғлик таъсир кўрсатганини аниқлаб ололмайдилар. Аффектив ҳолат жабрланувчининг ноқонуний хатти-шаракатлари туфайли юзага келган бўлса, жиноятнинг айрим тузилишларини квалификациялашда айбни енгиллаштирувчи ҳолатлар эканлигини аниқлаш эксперт-психолог ваколатига киради. Бундай ҳолларда психолог-эксперт ўз касбининг моҳир устаси, тажрибали бўлиши талаб қилинади. Суд – психологик экспертизасини тажрибали, кучли мутахассис-психологлар олиб боришлари мақсадга мувофиқдир. Чунки бундай экспертиза орқасида шахснинг тақдири туради.

Аффектив ҳолатнинг давомийлиги, интенсивлиги ва механизминисуд-психологик экспертиза методлари билан тадқиқ этиш, дастлабки тергов хулосаларининг илмий асослангани ва далилланишини таъминлашда психолог-экспертнинг маҳорати, касб фазилатлари катта роль ўйнайди.

Жиноят содир этилган пайтда шахс хулқ - атворининг алоҳида хусусият касб этишига сабаб бўлган бошқа ҳолатларни тадқиқ қилиш ҳам суд-психологик экспертизани ваколатига киради. Аффектдан ташқари уларнинг қаторига чарчоқ, қаттиқ кўрқув, оғир мусибат, (депрессия)

тушкунлик кабиларни қўшиш мумкин.

Тергов ва суд амалиётида туғиладиган психологик масалаларни ҳал қилиш эксперт - психологга бир қатор қўшимча талабларни қўяди. Жумладан, психолог - эксперт процессуал Қонуннинг эксперт тадқиқотларига оид қисмини, дастлабки тергов ва суд - суриштирувнинг махсус шартларини билиши лозим.

Демак, психолог - экспертда қуйидаги касбий фазилатлар шаклланган бўлиши жиноятни очишда адолатлилик тамойилига амал қилишга олиб келади:

- психолог - эксперт адолатли, виждонли бўлиши;
- психолог терговчига ва айбланувчига нисбатан хушмуомала, маданиятли бўлиши;
- психолог тажрибали мутахассис сифатида кучли иродали, сабр - тоқатли, мулоҳаза билан иш юритиши;
- психолог - эксперт хулосани ўз вақтида топшириши, яъни тартибли, масъулиятли бўлиши мақсадга мувофиқдир.
- Психолог- эксперт айбланувчи билан шахс сифатида муносабатда бўлиши керак.

Юқоридаги инсоний фазилатлар психолог - экспертда шаклланган бўлса жиноятчига нисбатан адолатли иш қўриш амалга оширилади ва ҳақиқат тезроқ юзага чиқиб, қарор топади.

5. Суд - психологик экспертиза натижаларини таҳлил қилиш.

? Суд - психологик экспертиза натижаларини таҳлил қилишда нималарга эътибор қаратилади?

Психолог - эксперт мутахассис сифатида айбланувчи билан иш олиб боришда қуйидагича тартибда экспертиза ўтказади:

- айбланувчи, жабрланувчилар билан индивидуал суҳбат ўтказади;
- уларнинг психологик хусусиятларини (идроки, диққати, ҳиссиқти,

темпераменти, характери, иродаси кабиларни) аниқлайди;

- кузатиш, суҳбат, психологик тест каби методикаларни ўтказди;
- айбланувчига очилган жиноят иши билан батафсил танишиб чиқади;
- ўтказилган тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда экспертиза хулосаси тайёрлайди.

Суд - психологик экспертиза натижаларини таҳлил қилишда айбланувчининг жиноятни нечанчи марта содир этганлигига эътиборини қаратади. Шунингдек, унинг оилавий психологик муҳитини аниқлашга ҳаракат қилади. Бундан ташқари, экспертизага оид адабиётлар билан танишади.

Демак, судга оид психологик экспертизанинг жиноий хатти - ҳаракатларни аниқлашдаги аҳамияти жуда катта экан. Шунинг учун мутахассис-психологлар айбланувчининг психологик хусусиятларини, унинг жиноий хатти - ҳаракатларни содир этаётган вақтдаги руҳий ҳолатларини аниқлашда жуда катта масъулият билан иш олиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Назорат саволлари:

1. Психолог - экспертнинг вазифаси нималардан иборат?
2. Киши қачон аффект ҳолатига тушади?
3. Инсон стресс ҳолатида жиноий ҳаракатлар қилиши мумкинми?
4. Кишилар қачон ўз жонларига қасд қиладилар?
5. Психологик экспертизанинг предмети нималардан иборат?

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т. «Ўзбекистон» нашр.1997 й.
2. И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида.Т.»Ўзбекистон» 1998 й.
3. И.А.Каримов. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.»Ўзбекистон».1998 й.
4. Г.М. Андреева. Социальная психология. М.1998 г.
5. А.И.Аникеева. Жамоада руҳий муҳит. Т. 1996 й.
6. М.И. Еникеев. Юридическая психология. М. «Норма».2005 г. (учебник)
7. В.М.Каримова. Психология .Т.2000 й.
8. В.М.Каримова. Психология. Ўқув қўлланма.Т.»Шарқ» нашр. 2002 й.
9. В.М.Каримова. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. Т. 1999 й.
10. Р.С.Немов. Психология. М.1998 г.
11. Е.П.Рогов. Настольная книга практического психолога. М.1999 г.
12. П.Л.Цветков. Преступность и социальная психология. Л.1998 г.
13. А.М.Яковлев. Исследование личности обвиняемого. М.1999 г.

Қўшимча адабиётлар:

1. В.В.Романов. Юридическая психология. М.1998 г.
2. М.И Еникеев. Основы общей юридической психологии. Учебник для ВУЗов.М.1997 г.
3. Ю.Абдуллаев ва бошқалар. Ҳуқуқшунослик психологияси. Фарғона ДУ нашр. 1998 г.
4. М.А.Махсудова. Мулоқот психологияси. Т. «Турон-иқбол» нашр.2006 й. (ўқув қўлланма)

Махсудова Мўътабар Абдусаламовна

Психология фанлари номзоди, доцент

**Наманган Давлат университети педагогика-психология кафедраси
доценти.**

Манзил: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси –316-уй

Уй манзили: Наманган шаҳри Нуробод массиви, 2—уй

Телефон: ишхона-226-53-81

Уй: 225-11-67

Уяли телефони: 230-78-08

E-mail: maxsudova@doda.uz